

АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Б. УСМОНОВ
АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юргарниаро илмий-устубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юргарининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

B.B.USMONOV

POPULATION STATISTICS

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Б.Б. Усмонов. Аҳоли статистикаси. (Ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004, – 96 бст. (проф. Набиев Х.Н. таҳрири остида)

Тарихда аҳолининг яшаш қонуниятлари барча давлат ҳукуматларининг доимий эътиборида бўлган. Кейинги вақтларда жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий режалаштиришда демографик омил ролининг янада ортиши бу масалага бўлган қизиқиши кескин кучайтирди.

Демографик омил, аҳамияти жиҳатидан, ижтимоий ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий омиллар қаторида турувчи асосий омилларидан ҳисобланади. Уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан туриб мустақил Ўзбекистон ва унинг айrim ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни аниқ равишда режалаштириб бўлмайди. Бу борада мақсадга эришиш учун аҳоли статистикаси билан шугулланувчи мутахассислар керак.

Ижтимоий ривожланиш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари: саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатувчи соҳаларининг ривожи – аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маъниавий эҳтиёжларини қондиришни, инсон омили ролини кучайтиришни, аҳоли турмуш дарражасини кўтариш муаммоларини счишини тақозо қиласди. Шу боисдан ҳам аҳоли статистикасининг назарий ва амалий томонларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланма бакалавр, магистр, аспирант, профессор-үқитувчилар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмўминов

Тақризчилар: и.ф.н., проф. З.Тошматов;

и.ф.н., доц. А.Ҳ.Аюбжонов;

и.ф.н., доц. А.А.Набиҳўжаев;

и.ф.н., доц. А.Б.Хайитов;

Usmonov B.B. "Population statistics" (Manual) – T.: TSEU, 2004, – 96 pages.

In history living conditions of population was in the attention of government. In the last years this role of government increased in areas of economic life of society and long-term social-economic demographic planning.

Demographic factor – one of the main factors for social and economic development. Without studying them deeply Independent Uzbekistan cannot see social-economic development in the country. In order to reach this goal, country needs specialists learning nature and population.

Social development, all branches of economy: industry, agriculture, and development of servicing branches – satisfaction of financial and moral needs of the population, strengthening the role of human factor, solving the problem of living conditions of population should be done. This is the reason the theoretical and practical study of the population statistics plays an important role.

The manual is designed for bachelor, masters, researchers, professor teachers and scientific members of Higher Educational Establishments.

Responsible editor: doctor of economic science,
professor Holmuminov Sh. R.

References: candidate of economic science,
senior lecturer, Ayubjonov A.Kh.;
candidate of economic science,
senior lecturer, Nabihojaev A.A.;
candidate of economic science Hayitov A.B.;
candidate of economic science,
professor Toshmatov Z.

КИРИШ

Жамияттимиз оиласынг маънавий ва ахлоқий томондан соғлом бўлишидан маңбаатдор. Шунинг учун ҳам маъмурӣ ва хўжалик идоралари фаолияти оиласарга ҳар томонлама кенг имкониятлар яратишга, турли ижтимоий масалаларни ҳал этишга ва ҳар хил ижтимоий масалаларни, жумладан, болаларни тарбиялашда ёрдам беришга ва уларни кўллаб-куватлашга қаратилган.

Аёл – оиласынг ҳолатини яхшилашга катта эътибор беради: жамият ва оила учун ўта муҳим вазифаларни бажаради, болаларни тарбиялаиди, ижтимоий ҳаётда ва меҳнат жараёнларида фаол иштирок этади.

Демографик сиёсат республика ва унинг ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятларини такомиллаштириш ижтимоий-иктисодий фаолиятда демографик омил ролини кўтаришга қаратилган.

1 бөл

«АХОЛИ СТАТИСТИКАСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Ахоли статистикаси» фанининг предмети

Ҳар қандай фанининг предмети ўрганилайдиган объектнинг табиий ва ижтимоий ҳусусиятларига боғлиқ бўлиб, унинг фаолияти шу ҳусусиятларини ўрганишга қаратилади. Демак, «Ахоли статистикаси» фанининг объекти маълум ҳудудда ёки ср юзида яшаётган кишилардир.

«Демография»нинг ўрганиш объекти ахолининг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳисобланади. Демография ҳастни ҳар томонлама: тарихий, сийсий, иқтисодий, ижтимоий, хукукий, тиббий ва статистик томондан ўрганади. Бунда шуну эсда тутиш керакки, объект ҳақида билимлар тўплами ортган сарп, унинг янги қирралари очила боради ва улар ҳам ўрганишнинг алоҳида предметига айланади.

Ҳар қандай ижтимоий воқсанинг миқдор томонини «Статистика» ўрганади. «Ахоли статистикаси» «Демография»нинг бир қисми бўлиб, ахоли сони ва таркибини ўрганади. Ахоли статистикаси ўз объектини маълум бир замон ва маконда табиий, миграцион, ижтимоий ва бошиқ ҳодисаларни зътиборга олган ҳолда ўрганади.

Ахолининг табиий ҳаракати дейилгандан, туғилиш ва вазфот этиши натижасида ахоли сонининг ўзгариши, бинобарин, табиий йўл билан ўзгаришин тушунилади. Шунингдек, никоҳдан ўтиш ва утдан ўчиш каби ҳолатлар ҳам ахолининг табиий ҳаракати таркибида ўрганилади. Ахолининг механик ҳаракати дейилгандан, унинг айрим ҳудудлар бўйича кўчид юриши ва доимий равинида яшаш жойини ўзгартириб туриши тушунилади.

Ижтимоий ҳаракат дейилгандан, ахоли яшашининг ижтимоий индекслари, яъни ижтимоий гурӯҳлар сони ва таркибининг ўзгариши тушунилади. Ахоли ҳаракатининг ҳамма усуслари ҳам унинг ривожини, эволюциясини ифодалайди. Бу ҳолатлар динамик ва статистик қонуниятларда ўз аксини топади.

Динамик қонуниятлар – сабабли алоқалар кўриннишида бўлиб, бўнда тизимишинг ҳозирги ҳолати, келажақдаги ҳолатини ҳар тарафлама аниқлашиб беради. Статистик қонуниятлар алоқалар кўриннишида бўлиб, айрим олинган воқеалар орасида эмас, балки оммавий воқеалар орасидаги боғланишларни ўрганади.

Ахоли оммавий воқса ҳисобланади. Бунда тўплам бирлиги унинг ҳусусиятларини акс эттирган алоҳида ҳолатлар сифатида юзага келади. Унда тўпламнинг барча ҳусусиятлари ўз аксини топади ва

дөнүм ўзгариб туралди. У түштәмдән түштәмдә ёки шахседан шахсега тиесиған ҳам ўзгариши мүмкін. Оммавий вөкәс, қонунияттар айрым олинған ҳолаттарда ўзгариб туралди ва улардан ҳар бириниң алохидә ҳолатда аниқшаш мүмкін. Ахоли таржибидә изү берастың статистик қонунияттарын айрым олинған шахс ёки оғизшарға әмас, балки ўргаништың күичисине миссәләрдә асосланыб, оммавий вөкәсләрдиннег қонунияттариниң фиқыртар даражадагы ҳолаттариниң ўрганиш аниқшаш мүмкін. Фиқыр сөйләр қонуны номи биләш манхур бўлған бу қонуни, масалан, ахоли статистикасыда туғилғанлариниң жисиек бўйича тақситланишинда кўриши мүмкін. Чунинчи, кўн кузатилар патикиасыда аниқланадиги, туғилған ҳар 100 нафар изү болага 105-106 ўнга бола тўғри келади. Айрим вакълар ва худудларда бўндаи тиесиған бенисача ҳам бўлиши мүмкін.

Шундай қизиб, оммавий вөкәслар қонунияттариниң ўрганиши, шу жумладан ахоли статистикасыда ҳам математик усулларни кўллашни тақозо қизлади.

1.2. «Ахоли статистикаси» фашининг асосий вазифалари

Ахоли статистикаси маълумотларни иётисидиётни бошқарини ва резжалантиришида фойдаланишладиган қатор масалаларини, иётисидий ва ижтимоний жарабайларни рақамларда аж аттиришида фойдаланилади. Бунда оидий арифметика әмас, балки алохидә статистик хисоб-ахоли категориясининг хисоби амалга оширилади.

Биринчи масала – туғилғанлар сони, вафот этганлар, инкоҳдан ўтган ва ундан ўчганлар сони, кўниб келган ва кўчиб кетганлар сони статистик томондан аниқланади, бинобарин, тўплам ҳажми аниқланади.

Иккинчи масала – ахоли таркибини, демографик жарабайларини ўрганишдан иборат. Бунда асосий залтибор ахолининг жисиеки, ёни, маълумотлизлик даражаси, касбий белгиси бўйича, шаҳар ва қишлоқ ахолисига бўлиб ўрганишга қаратилади.

Учиги масала – ахолининг ҳар хил гурӯҳлари ўртасидаги боғланишларини, ахоли таржибидә изү берастың жарабайшарини ва бу жарабайлар амалга ошиётган шароитларни ўрганишга қаратилади.

Тўртинги масала – демографик жарабайлар динамикасини ўрганишдан иборат бўлиб, бунда ахоли сонининг ўзгариши ва жарабайнинг интенсивигини аниқшаш маълум вакът ва худудлар бўйича амалга оширилади.

1.3. Ахолини статистик ўрганишнинг амалий аҳамияти

Иётисидиёт нуқтаи назаридан, ахоли моддий несматларниннаб чиқаради, шу билан бирга уларни истеъмол ҳам қизлади. Шунинг учун ахоли таржиби ва сонида изү берастың ўзгаришлар иёти-

содиётта, жамиятта, маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол дара-жасига бевосита таъсир қилади. Лекин маҳсулот барча аҳоли томонидан эмас, балки меҳнат ресурслари, ишчи кучи томонидан яратилади. Аҳоли маҳсулот ресурсларини тўлдирувчи сифатида, инсон эса, ишчи кучининг эгаси, шахсий ва ижтимоий манфаатларини акс эттирувчи сифатида юзага келади. Шу боис аҳолини бошқариш ва режалаштириш учун уни статистик ўрганиш лозим.

Статистика меҳнатга лаёқатлилар сони, уларни халқ хўжалиги тармоқлари ва секторлари бўйича тақсимлаш ҳақидаги маълумотларни беради.

1.4. «Аҳоли статистикаси» фанининг ўрганиш услугиятлари

Ҳар қандай фанда ўрганиш услугиятлари йиғиндиси шу фанинг методологиясини ташкил этади. «Аҳоли статистикаси» тармоқ статистикаси бўлгани учун, унинг асосий услугияти «Статистика»нинг умумий услугиятлари билан мос келади.

Статистика услугиятларини асосий усувларидан бири—статистик кузатиш бўлиб, у ўрганилаётган ҳодиса-воксалар бўйича маълумотларни тўплайди. Бу усул ҳам жорий статистикада, шунингдек, аҳолини ҳисобга ошишда, монографик ва танланма ўрганишида асос ҳисобланади. Бунда “Статистика”нинг умумий назарияси томонидан ишлаб чиқилган курсининг обьект ва бирориги, ҳисобдан ўтказиш кунни ва вақти, даври, кузатишнинг ташкилти масалалари, танланган месъёрларни изига тушириш ва уларни таъминчовчи маълумотларни чоп этиш услугиятларидан тўлиқ фойдаланилади.

Ижтимоий-иктисадий вожеатарни статистик ўрганишнинг кейинги босқигчи, уларнинг турларини аниqlашдан иборат. Бунда гап гурухлаш ва таснифлаш (класификациялаш) ҳақида боради. Аҳоли таркибини билдиш учун аввало уни гурухлаши белгисини аниқ белгилаб олиш лозим. Кузатишга жалб этилган ҳар қандай белги гурухлаши белгиси ҳам бўлиши мумкин. Масалан, сўров варақасида бирингни бўлиб ёзилган шахсга муносабати саволи аҳолини бир неча гурухга ажратиш мумкин. Бу аниқловчи (атрибутив) белги бўлиб, сўроқ варақатарини гурухлашади, аввало тасниф таҳтили учун зарур белгиларни аниқ ажратиб олиш учун лозим бўлади.

Тўлган ёшига қараб аҳолини тақсимлаш, аҳолининг миқдорий белги бўйича гурухларга ажратили имконини беради. Бунда гурухлар сони, уларнинг оралигини аниqlашпи лозим. Масалан, меҳнат таркибини ўрганиш учун аҳоли уч гурухга ажратилади. Бунда ҳар бир гурух чегарасини аниqlаш ва маълумотларни танлаш зарур.

Комбинацион ва кўп ўтловли гурухлашни амалга оширишда, яъни бир белги бўйича эмас, балки кўп белгилар бўйича гурух-

лашда муҳим муаммолар келиб чиқади. Бунда умумий түпламни гурухларга ажратишида гурухлар сони тез ўсиб кетади. Масалан, икки белги бўйича учта гурухга ажратилса, $2^3=8$ та гурух ва гурухлар ҳосил бўлади, уч белги бўйича эса, гурухлар сони $3^3=27$ тага стади ва бу ҳолда гурухлаш асосида тузилган жадвалларнинг аналитик хусусиятларини ўрганиш умумийлаштирилади.

Миқдорий белгилар бўйича гурухлаб, таркибини ўрганишда ўртача, мода, медиана, сёйлиш ўлчовлари ёки вариация кўрсаткичлари каби статистик жамловчи кўрсаткичларни аниқлаш аҳоли тавсифини ҳар томонлама белгилаш имкониятини беради. Ҳодисалар таркибини ўрганиш улар орасидаги боғланишни аниқлашга имконият яратади.

Статистика назариясидан маълумки, алоқалар функционал ва статистик бўлиши мумкин. Статистик боғланишларни қўллашни гурухларга ажратмасдан туриб ўрганиб бўлмайди. Ундан кейин натижавий белгини солиштириш мумкин бўлади.

Омилти белги бўйича гурухлаш ва натижавий белги ўзгариши билан солиштириш боғланиш йўналтишини аниқлаш имкониятини беради: тўғри ёки тескари боғланиш, шунингдек, регрессияни тузиб, боғланиш шакли ҳақида фикр юритиши имкони туғилади. Гурухлаш маълумотлари тенгламалар тизимини тузиш, регрессия тенгламаси параметрларини аниқлаш ва корреляция коэффициентларини ҳисоблаб, унинг тозлигини аниқлаш имконини беради.

Таснифлаш ва гурухлашлар динамик таҳлилнинг асоси ҳисобланиб, улар аҳолининг ҳаракати ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишларни аниқлаш имкониятини яратади.

Аҳолини ҳар томонлама ўрганишда динамика қаторлари, график усули, индекс усули, танлама ва баланс усувларидан кенг фойдаланилади. Айтиш мумкинки, аҳоли статистикасини ўрганишда статистиканинг бой хазинасидаги ҳамма усувлардан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, фақат аҳоли статистикасини ўрганишда қўлланиладиган усувлар ҳам мавжуд. Бу аниқ авлод (когорти) ва шартли авлод усулидир. Биринчи усул аҳолининг тенгдош қисми бир йилда туғилган табиий ҳаракатдаги ўзгаришларни – кесма таҳтилни амалга ошириш; иккинчиси тенгдошларнинг табиий ҳаракатини (бир вақтда яшаётганларни) – тепадан пастта таҳтилни амалга ошириш имконини беради.

«Аҳоли статистикаси» бошқа кўп фанлар – «Соғлиқни сақлаш», «Педагогика», «Социология» ва бошқалар билан боғлиқ. Ўз обьектини ўрганиш учун уларнинг усувларини ҳам статистикага мослаб қўллаш мумкин.

Қисқача хуросалар

Ушбу мавзуни ўрганиш талабаларга «Аҳоли статистикаси»нинг предмети, кузатиш обьекти ва бирлигини аниқланы, статистиканинг кенг услугини ўрганиш имконини беради. «Аҳоли статистикаси» бүйича асосий маълумотларни түтлашауда фойдаланиладиган кузатиш усуллари моҳиятини очини ва уларни англап имконини яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Аҳоли статистикаси»нинг предмети ва услубияти шима?
2. «Аҳоли статистикаси»нинг вазифалари?
3. «Аҳоли статистикаси»нинг бошқа ижтимоий фаннлар билан алоқаси.
4. Аҳоли юашаң қонуниятлари қандай?

Асосий адабиётлар

1. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Т., 1997
2. Колесникова М.И. Социально-экономическая статистика - М., 2002.
3. Килдишев Г.С. и др. Статистика населения с основами демографии. - М.: Финансы и статистика, 1997
4. Степаненко С.Г. Задачник по статистике населения. - М., 1995
5. Усмонов Б. Статистика населения (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000.

II бөб

АҲОЛИ БҮЙИЧА АСОСИЙ МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ

2.1. Аҳолини ҳисобдан ўтказишнинг аҳамияти ва ўзига хос ҳусусиятлари

Аҳоли ҳисоби доимо амалга ошириб борилади. Инсон түғилгач, маҳсус тартибда ҳисобдан ўтказилади ва унга түғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади. Болалар боғчалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, муассасаларда, сайлов мавсумида, ҳарбий хизматта чақириш даврларида аҳоли ҳисобга олинади. Бинобарин, инсон давлатнинг асосий бойлтиги ва асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Бирорта давлат ҳам аҳоли рўйхатини ўтказмасдан туриб, аҳоли ҳақида аниқ маълумотта эга бўла олмайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалаштириш, аҳолига ҳар томонлама хизмат кўрсатиш учун аҳоли ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши лозим. Бинобарин, аҳолини ҳисобга олиш давлат аҳамиятига эга бўлган мұҳим иш ҳисобланади.

Аҳоли рўйхати – ишмий асосда ташкил этилган статистик фаолият бўлиб, унинг мақсади – аҳоли сони, таркиби ва жоёллашиши ҳақидаги маълумотларни олишдан иборат. Аҳолини ҳисобга олишнинг ўзига хос биринчи ҳусусияти – бунда мамлакатни ҳамма ҳудуди қамраб олинади, давлатнинг ҳамма аҳолиси, ҳеч қандай чеклашларга йўл қўймай қамраб олинади.

Аҳоли рўйхатини ўтказишнинг иккинчи ҳусуси ити – аҳоли таркиби ҳақидаги маълумотларни олиш. Демак, бунда аҳоли бўйича қандайдир белгиларни аниқлаб олиш мумкин. Булар аҳоли рўйхатини ўтказиш даврида қайд этилган бўлади.

Ҳисобга олишнинг учинчи ҳусусияти уни ўтказиш дастурининг ҳамма аҳоли учун бир хил бўлиши ҳисобланади. Аммо барча аҳоли ҳақида маълумотларни биз ҳар бир инсон бўйича оламиз, сўнгра уларни гуруҳ ва гуруҳчаларга бўлиб ўрганамиз.

Ҳисобга олишнинг тўрганичи ҳусусияти шундаки, унда маълумотлар ҳар бир инсон бўйича алоҳида - алоҳида олинади.

Бешинчи ҳусусияти – маълумотлар хужжат ёки рўйхатлар бўйича эмас, балки шахснинг ўзидан олинади.

Ҳар бир алоҳида инсон ҳақида маълумот бир хил саволномалар бўйича олинниши, марказлаштириш тамойилига риоя қўлиниши аҳолини ҳисобга олишни ўтказишнинг олтинчи ҳусусияти ҳисобланади. Бу тамойил дастурнинг бир хиллигини таъминлаш, ундаги савол-жавобларни бир хил йўсинда тушунтириш, олинган маълумотларга бир хил ишлов бериш ва бир хил жамлаш имкониятини яратади.

Бунда критик момент бирлиги, ҳисобга олишни ўтказиш-

нинг муддати ва усууларининг бирлиги қоидаси амалга оширилади. Юқоридаги тамойилларга амал қилиш аҳоли рўйхати натижасида аниқ маълумотларни олиш имконини яратади. Барча бошқа манбаалар аҳоли бўйича кузатишлар ўтказиш, ҳар хил ҳисоб — китобларни амалга ошириш, улар тўғрилигини текширишдан ўтказгандан сўнг қандайдир аҳамиятта эга бўлиши мумкин. Аҳоли рўйхати унинг табиий ва механик ҳаракати ҳақида маълумотлар билан тўлдирилса, унда аҳоли ҳаракати ҳақида тўлиқ маълумотта эга бўлиш мумкин. Агар ҳисобга олиш «Статистика» фанининг ҳамма талаблари асосида ўтказилса, унинг маълумотлари бошқа маълумотларга қараганда аниқ бўлади.

2.2. Ҳисобдан ўтказиладиган аҳоли тоифалари

Рўйхат аҳоли ҳақида аниқ маълумотларни бериши лозим. Ҳисобга олишда ҳисобдан тушиб қолган ёки икки марта ҳисобга олиниган шахслар бўлмаслиги керак. Тўлиқ ҳисоб ҳисобга олинаёттан вақт билан чамбарчас боғлиқ. Ҳисобга олиш ўтказилаёттан вақтда қаерда бўлишига қараб, аҳолини доимий яшайдиган ва мавжуд аҳолига ажратилади. Аҳоли яшайдиган ҳар бир ҳудуд аҳолиси шу ерда доимо яшайдиган ва вақтингча яшайдиган аҳолидан ташкил топади. Мавжуд аҳолига шу ҳудудда доимо яшасттан, лекин ҳисобга олиш ўтказилаёттан вақтда бошқа ҳудудда бўлган, яъни у ерда вақтингча яшасттан кишилар ҳам киритилади.

Демак, яшаш жойида вақтингча йўқ бўлганлар бошқа ҳудудда олти ойдан узоқ яшashi мумкин эмас. Бошқа ҳудудда олти ойдан ортиқ яшастланлар доимий аҳолиси таркибиغا киритилади. Тегишли ҳудудда расман олти ойдан ортиқ йўқ бўлганлар умуман ҳисобдан ўтказилмайди. Ҳисобга олишда талабалар, ўкувчилар, ҳарбий хизматга чақирилганлар, озодликдан маҳрум этилганлар бу шартлардан истисно этилади.

Бинобарин, доимий яшасттан жойида вақтингча йўқ бўлганлар икки марта: доимий яшайдиган жойида вақтингча йўқ бўлганлар ҳисобида, ҳисобдан ўтказилган жойда эса мавжуд аҳоли сифатида ҳисобдан ўтказилади, лекин вақтингча яшастланлар ҳисобида эътиборга олинмайди. Барча аҳолининг икки тоифаси ҳисобга олинади, чунки ҳар бир шахс ҳам мавжуд аҳолига, ҳам доимий аҳоли тоифасига киритилади. Бу аҳоли ҳисобини икки вариантда текшириш имкониятини яратади: мавжуд ва доимий вариантларда. Бу икки тоифани ҳисобга олиш ҳисобнинг анпичлик даражасини оширади, айрим шахсларининг ҳисобдан тушиб қолиш ҳолларини камайтиради.

Мавжуд ва доимий аҳоли ҳисобга олинаёттан мамлакатларда, бу иккисон орасидаги фарқдан ҳисобга олишни сифатини ифодаловчи кўрсаткич асосида фойдаланилади. Одатда, доимий аҳоли сони мавжуд аҳоли сонига нисбатан кам бўлади.

Аҳолини икки марта ҳисобга олиш турли мақсадлар учун қўлланилилади. Бошқариш ва режалаштириш учун бу борадаги иккала кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади: савдо таркиби ва умумий овқатланиш соҳасини режалаштириш учун мавжуд аҳоли сони эътиборга олинади. Ўй-жой, коммунал хизмати ва халқ таълимни муассасаларини режалаштиришида эса доимий аҳоли сони аниқланади. Бу икки кўрсаткич орасида қўйидагича боғланиш мавжуд:

ДА=МА+ВЯ+ВЙ;
МА=ДА+ВЯ-ВИ.

Бу иккала кўрсаткичга аниқлик киритиш мақсадида ҳисобга олиш вақтида текширув бланкаси тузилади ва унда сўроқ варақаси дастури тўлиқ қайтирилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобга олинувчининг доимий яшаидиган жойи кўрсатилади. Текширув бланкаси фақат текширув мақсадини кўзлайди. Текширув вақтида муайян шахс доимий яшаидиган жойида ҳисобдан тўғри ўтказилган бўлса, текширув бланкаси йўқотилади. Агар текширув бланкаси доимий аҳоли ҳисобга олинмаганини кўрсатса, у ҳолда маътумотларни қўшиб қўйиш имконини яратади.

Авват ўтказилган рўйхатларда мавжуд ва доимий аҳолидан ташқари юридик аҳоли ҳам ҳисобга олинган. Юридик аҳоли – шу жойда ҳисобдан ўтказилган ёки қайта ҳисобдан ўтказилган аҳоли ҳисобланади. Лекин баъзи ҳолларда доимий ва юридик аҳоли ўртасидаги фарқ йўқ бўлиб кетади, чунки уларнинг доимий яшаш жойини аниқлаши анча қийин бўлиб қолади.

Баъзи олимларнинг фақат доимий аҳолини ҳисобдан ўтказиш лозим, деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Аҳолининг яшаш жойини тез ва оммавий равишда ўзгартириб туриш тенденцияси мавжуд ҳолларда фақат мавжуд аҳолини ҳисобга олишга ўтиш ҳам нотўғри, чунки бунда доимий яшаш жойига эга бўлган аҳоли сони ортиб бормайди.

2.3. Ҳисобга олишда кузатиш бирлиги

Шундай қўлиб, ҳисобга олишда кузатишнинг икки обьекти мавжуд: аҳоли ва доимий аҳоли бўлиши мумкин. Лекин аҳоли рўйхати бошка рўйхатлардан фарқли ўлароқ, иккита кузатиш бирлигига эга. Бу ҳар бир киши ва оила.

Инсон ва оила шундай кузатиш бирлигиги, улар ҳақида маълумотларни тўплаб, бутун жамият ҳақида тавсифга эга бўлиш мумкин. Бинобарин, бирламчи бирлик ҳар бир шахс, алоҳида ҳисобдан ўтказиладиган киши шахси, маҳсус сўров варақаси тўғдирилладиган ёки ҳисобга олинган инсон ҳисобланади. Кишилар оиласаларга бирлашадилар. Ҳисобга олиш бир томондан, аҳолининг тўлиқ юритиши, иккинчи томондан эса, оиласалар ҳисобини олиб бориши, уларнинг тавсифга эга бўлиш имконини яратади.

Оила аъзоларининг бироргасини ҳисобга олмаслик мумкин бўлмагани учун оила тўлиқ ҳисобдан ўтказилади. Шу билан бирга оилани ҳисобга олиш оиланинг ички жараёнларини кўриш ва уларни аҳолининг такрор пайдо бўлиш жараёнлари билан боғлаш имкониятини беради.

Аҳоли статистикасида оиласа қўйидаги уч белги: аъзоларини бир бирига қариндошлиги; биргаликда яшаётганлиги; бюджет умумийлигининг бирлиги сифатида қаралади. Оила аъзоларининг биргаликда яашлари уларни бошқа шахслардан ажратиш имконини беради. Бюджетнинг умумийлиги оиланинг алоҳида иқтисодий бирлик эканлигини ифодалайди. Шу уч белгидан бирининг бўлмаслиги ҳам оиланинг йўқлигидан далолат беради. Лекин бошқа илмий актларда оила тушунчаси статистикадаги тушунчадан фарқ қиласди. Масалан, юристлар оила деганда, ўзаро мальум хукукий месъёлар асосида бирлашган кишиларни тушунадилар.

Оилаларни бир-биридан ажратиш мақсадида, ҳисобга олиш вақтида рўйхатда биринчи бўлиб келтирилган «Оила боштигига муносабати» деган савол тарқатилади. Жавоб вақтида, аввало, оила бошлиги келтирилтиб, сўнгра оила аъзоларидан барчасининг унга муносабати аниқланади. Бунда оила аъзоларининг барчаси ҳам оила бошлиги бўлиши мумкин.

Касалхоналарда кузатиш бирлиги сифатида — касаллар ётадиган палата, ёткоҳоналарда эса ҳар бир хона ҳисобланади.

Кузатиш бирлиги сифатида оилани, коммунал хоналарда ёки бошқа яаша биноларида биргаликда яшайдиган кишилар гуруҳидан ажратиш лозим. Агар рўйхат билан бир варқда танлама кузатишларни биргаликда қўшиб ўтказилса, бу гуруҳ кишилар кузатиш бирлиги эмас, балки танлаб олиш бирлиги бўлади. Квартира бўлиши учун мустақил кириш-чиқиши мавжуд бўлиши лозим (ховли ёки кўчага). 1970 йилда ўтказилган рўйхатда аҳолининг яашаш шароитларини ўрганиш мақсадида квартира ёки бошқа биноларда яшайдиган аҳолининг 25 % танлама кузатиш саволларига жавоб беришлари лозим бўлган.

2.4. Критик момент ва ҳисобга олиш куни

Аҳоли сони тўхтовсиз ўзгариб турадиган миқдор бўлгани учун, аҳоли ҳисобини аниқ олиб бориш мақсадида критик момент ва ҳисобга олиш кунларини белтиланади. Масалан, 1999 йилда мамлакатимизда ҳар минг киши ҳисобига кунинга 18,0 киши туғилиши ва 8,7 киши вафот этиши тўғри келди, дейиш кифоя қиласди. Демак, табиий ўсиш 9,3 кишини ташкил этди. Бугун кечагига нисбатан аҳоли сони ўзгарди. Шу ўзгаришни аниқлаши мақсадида, аҳоли статистикасида бир тамойил ишлаб чиқилган бўлиб, у бир моментда расмга олишни эсплатади ва шу расмга тушган нарса тўғри деб тан олинади. Критик

момент шундай бир моментни эслатади. Шу критик моментда мавжуд нарсалар ёзиб олиниши керак.

Бинобарин, критик моментда ёзиб олинган нарсалар аҳолининг шу моментдаги фотографиясини акс эттиради. Критик моментда туғилғанлар ҳисобга киритилади, критик моментдан кейин туғилғанлар ҳисобга киритилмайди. Критик моменттагача вафот этгандар ҳисобга киритилмайди, лекин критик моментдаги киши вафот этганда эса тириклар қаторида ҳисобга киритилган бўлади.

Аҳоли рўйхати кўп ҳолларда яшаш жойларида ўтказилгани сабабли – критик момент сифатида кечки соат 12⁰⁰ олинади, бაъзи ҳолларда бундан чекиниш ҳам мумкин, лекин натижада гидек бўлмайди.

Баъзи фикрларга кўра, рўйхат критик моментдан кейинги кунга тенглаштирилади. Бу кун ҳисобга олиш ўтказиладиган куни ҳисобланади. Текширув вақтида ҳисобга олиш кунини тайинлаш муҳим ўринни эга лайди. Ҳисобга олиш кунини белгилашда қўйидагилар эътиборга олинади:

- аҳоли камроқ ҳаракат қиласидиган кун бўлиши;
- ҳисобчиларнинг иш шароити ва ҳаракат қилиш усули ҳисобга олиш учун қулай бўлиши;
- аҳоли рўйхати бошқа рўйхатлар билан бирга ўтказилганда иккинчи томоннинг манфаати ҳам эътиборга олинниши;
- ҳисобга олинадиган кун йил бошларида бўлгани маъқул. Чунки йил бошида аҳоли бўйича лозим бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш осонроқ кечади.

Бутун ер юзида, шу жумладан, малакатимиизда аҳоли қиши фаслида камроқ ҳаракатда бўлади. Шунинг учун бизда аҳолини ҳисобга олиш йил бошига яқинроқ кунларда ўтказилади. Мамлакатимиизда аҳолини ҳисобга олиш кўпингча январь ойида ўтказилган. Чунки январь ўқувчи ва талабаларнинг дам олиш даври бўлгани учун улар камроқ ҳаракатда бўладилар.

2.5. Ҳисобдан ўтказиш муддати

Агар критик момент ва ҳисобдан ўтказиш куни белгиланган бўлса, ҳисобдан ўтказиш муддатини аниқлаш лозим. Ҳисобдан ўтказиш куни ва муддати бир-бири билан боғлиқ бўлиши зарурлигини эътиборга олиб, сўраласттан шахс критик моментда юз берган ҳолатларни эсидан чиқармай туриб, ҳисобга олишни у бошланадиган куни ўтказган маъқул. Дунёнинг кўп мамлакатларида (Туркия, Йроқ, Ливия, Парагвай ва бошқа) аҳолининг ҳисобга олиш бир кунда ўтказилади. Шу куни хукуматнинг маҳсус қарори билан аҳолининг уйдан чиқиши (ҳисобдан ўтмагунча) ман этилади. Ҳисобга олишнинг бундай усулда ўтказилиши, аҳоли учун ноқулайлик яратади ва ҳисобчилар сонини кўпайтириши лозим бўлади.

Баъзи ҳолларда ҳисобга олиш муддатини қисқартириш мақсадида, ахолини олдиндан ҳисобга оладилар, сүнгра унга критик моментта нисбатан туғилғанларни ёзиб, вафот эттәнларни учирив аниқлик киритадилар. Бунда ўзгарғыш қиритишни тезда амалга ошириш мүмкін бўлгани учун маълумотлар критик моментта боғлиқ бўлади.

1897 йилдаги биринчи рус аҳоли рўйхати ва 1937 йилдаги рўйхат шу усулда ўтказилган. Ўтказилган кўп рўйхатларнинг муввафқаиятесизлиги, уларни ўтказиш муддатининг чўзилиб кетиши, рўйхатни кам сонли ҳисобчилар ёки бошқа ҳисобчилар билан ўтказиш билан боғлиқ. Рўйхат муддати қанча чўзилса, бир ҳисобчи шунча кўп ахолини ҳисобдан ўтказиши мүмкін. Демак, ҳисобга олиш оптимал қисқа муддатда амалга оширилиши, лекин бундан ҳисобчи ўз объектидагилар билан учрашиш ва сўрюқ ўтказиш имкониятига эга бўлиши керак.

Агар ҳисобга олиш вақти билан критик момент ўртасида катта фарқ бўлса, ҳисобдан ўтказиластган жойдаги вақтинча яшаттандар кетиб қолиши ва ҳисобга тушмаслиги мүмкін. Ахолининг туғилиш ва вафот этиш ҳолатларини критик момент билан боғлий олиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Ҳисобга олиш даври ҳар бир яшовчига қўйилган саволлар сонига, уларнинг мураккаблик даражаси билан бирга рўйхатнинг бошқа нусхалари, кузатишларга ва ҳисобга олиш учун жалб қилиниши мүмкін бўлган ходимдар сонига боғлиқ бўлади.

Қишлоқ жойларда аҳоли зич яшамаганлиги учун ҳисобга олиш муддати бир оз чўзилиши ҳам мүмкін. Узоқ ва бориш қийин ҳудудларда белгиланган муддатларда ҳисобдан ўтказиш қийинлиги сабабли, бу борада улар учун алоҳида муддат белгиланади.

2.6. Рўйхат дастури

Рўйхат дастури ҳар бир ҳисобдан ўтказиладиган шахсга берилувчи саволлардан ёки ҳисобдан ўтубвчи ҳар бир бирликини таърифловчи белгилардан ташкил топади. Дастурга киритилиши лозим бўлган саволлар сони жуда ҳам кўп. Саволлар жуда кўп белгилар билан бир-биридан фарқ қиласиди. Бунда муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар ҳам мавжуд. Ҳисобга фақат муҳим белгиларни киритиш лозим, чунки ҳар хил саволларни киритавериш рўйхат сифатини пасайтириб, ҳажмини кўпайтириб юборади.

Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки биринчи ўтказилган рўйхатлар аҳоли таржиби ҳақида жуда тор маълумотлар берган. Масалан, 1841 йилда Англияда ўтказилган рўйхат натижасида ахолининг жинси ва аҳоли банд бўлган тармоқлар ҳақида маълумотлар олинган, холос. Францияда эса 1851 йилгача фуқароларнинг фақат жинси ва онлавий ҳолати ёзилган. Кейинчалик, бошқарув

аҳоли ҳақидаги маълумотларга қаттиқроқ талабларни қўя бошла-
гач, рўйхат дастурлари кенгайтирилиб, улардаги саволлар сони 20-
30 тагача етказилган.

Ҳозирги замон дастурлари асосан уч қисмдан иборат:

- манзилли бўлим;
- дастурнинг ўзи;
- рўйхат асосида ўтказилаётган тадқиқотлар билан боғлиқ

қисм.

Манзилли бўлимда республиканинг номи, вилоят, шаҳар, туман,
аҳоли яшайдиган пункт, кўча, уй номлари, шунингдек, рўйхат олиниёт-
ган шахснинг фамилияси, исми (отасининг исми), оила бошлиғига
муносабати келтирилади. Манзилли бўлим аҳолининг худудга тегиши-
ли эканини аниқлайди. Фамилияси ва исми ҳақидаги маълумот ўша
шахсларга улар тўгрисидаги маълумотларни аниқлаштириш, стишма-
ган маълумотларни тўлдириш имкониятларини беради. Оила бошлиғига
муносабат оиласларни тўғри ҳисобга олиш ва унинг айрим аъзо-
ларини тўлиқ ҳисоблаш учун қўйилади.

Рўйхат дастурининг маълум масалаларини ҳал қилувчи са-
волларга ажратиш мумкин:


Биринчи гурӯҳга, ҳисобдан ўтган аҳоли тоифаларини аниқ-
лайдиган (доимий ва вақтингча яшайдиганлар) саволларни қарти-
тиш, агар кимдир вақтингча яшаса, унинг доимий яшайдиган жойида
бўлмаслик сабабини ва вақтингча йўқ бўлиши даврини аниқлаш, ким-
дир вақтингча яшаган бўлса, унинг сабабини ва вақтини кўрсатиш
мумкин. Агар вақтингча яшагани ёки вақтингча йўқ бўлгани ҳақида
ёзилмаган бўлса, у киши ҳисобга олиш ўтказилган жойда доимий
ёки вақтингча яшайдиганлар қаторига ёзилади.

Иккинчи гурӯҳ саволлар ҳисобдан ўтuvчини демографик
нуқтаи назардан тавсифлаб беради. Бу саволлар гурӯхига жинси,
ёши ва оиласвий ҳолати ҳақидаги саволлар киритилади.

Ҳисобдан ўтказиш бошланган вақтда жинси ҳақидаги савол
ортиқча ҳисобланган, кейинчалик барча рўйхатларда қўйиладиган
бўлди.

Энг қийин ва муҳим савол аҳолининг ёши ҳақидаги савол
ҳисобланади. У орқали мактаб ёшидаги, армияга чақирилувчилар
тоифалари аниқланади ва ундан ижтимоий саволни ишлаб чиқиши-
да қўлланилади. Ёш ҳақидаги маълумотни икки хил йўл билан
олиш мумкин: ёши ҳақидаги саволни қўйиб ёки туғилган вақтини
ҳисобга олиб. Ёш одатда тўлган ёши ҳисобидан, бир ёнга етган
болалар бўйича эса, тўлган ойлар сони бўйича ҳисобга олинади.
Ёши ҳақидаги саволга жавоб берасеттанды аҳоли уни яхлитлаб тўғ-
рилаб айтади, шунинг учун бу ҳолатда ёш аккумуляцияси ҳосил
бўлади.

Кўпинча, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ёши аниқ-
лаш учун туғилган куни эътиборга олинади ва ундан кўп демографик



хисоб-китобда фойдаланиш мумкин. Бизда 1970, 1979 ва 1989-йилларда ўтказилган рўйхатларда ҳам ёши, ҳам туғилган куни ҳақидаги маълумотлар олинган. Бу қўйилган саволни тўлиқ ёритиш билан бирга, ёш аккумуляциясини анча камайтиради. Оилавий ҳолати ҳақидаги савол қисми ўқилиб қўйилши мумкин: никоҳда тургани ёки кенгайтириб; бундай шикоҳда турди, ажраған ёки турмушга чиқмаган. Никоҳ расмийлаштирилганлар махсус муассасада (фуқаролик никоҳи) хисобдан ўтказилганлар ҳисобланади. Ҳар қандай уринищларга қарамасдан, никоҳда турган асллар сони эркаклар сонидан кўпинча ортиқ бўлади.

Учинчи гуруҳ саволларига аҳолининг демографик тасвифини ифодаловчи, масалан, миллати ҳақидаги савол киритилади. Кўп мамлакатларда бу савол киритилмаслигига сабаб, унинг пухта ишланмаганлиги дадир. Биздаги ўтказилган барча рўйхатларда бу савол тўғридан-тўғри қўйилган эди. АҚШда эса миллати ҳақидаги савол хисобга олинаётган фуқаро қайси ирққа киритилиши ҳақидаги савол билан алмаштирилган. 1897 йилда олинган рус рўйхатида миллат ҳақидаги савол ўрнига қайси динга мойиллиги ва она тили ҳақидаги саволлар қўйилган. Лекин она тили бўйича миллати ҳақида фикр юритиш мумкин эмас, чунки кўпинча она тили бўйича миллат бир-бирига мос келмайди.

1970 йилдан бошлаб, эркин гаплашадиган иккинчи тили ҳақидаги савол найдо бўлди. Гоҳида она тили ва миллат ҳақида саволлар фуқаролик ҳақидаги маълумотлар билан тўғдирилади.

Тўртинчи гуруҳ саволлар саводхонлик даражасини ёки таълим даражасини сритади. Саводхонлик даражасини ёритиши учун савол тўғридан-тўғри, саводлими деб, баъзи рўйхатларда эса ўқиши, ёзиши биласизми деб қўйилади. Умуман, саводли шахслар гурухига ўқишини билган, ўқиганини тушунган ва кўрган воқсаларини айтиб беря олишига қараб киритиш ҳам мумкин. Саводлилик даражаси аниқлананаётганда, албаттa, ёшини ҳам эътиборга олиш лозим. Бизда бу савол 9 ёшдан бошлаб, баъзи мамлакатларда эса 15 ёшдан бошлаб берилади.

Бизнинг бошлангич рўйхатларимизда сескин бўлса ҳам ўқишини билган киши саводли ҳисобланган. Охирги рўйхатларда эса саводхонлик ҳақидаги савол таълим олганлик даражаси билан алмаштирилди. 1959 ва 1970 йилларда қандай даражада таълим олганларини кўрсатиш лозим бўлган. Тугалланмаган таълим, бунда битирган синфи ёки курсини кўрсатиш лозим бўлган. Шу рўйхатдаги ўқувчиларга ўқув муассасасининг турини кўрсатиш лозим эди.

Бешинчи гуруҳ саволларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тасвифи кўрилади. Буларга аҳолининг яшаш маблағлари манбаи маълумотлари киритилади: иш жойи, иш жойидаги машғулотлари ва ижтимоий гурухи. Бу саволларга жавобни 1959 ва 1970 йил рўйхатларида бериш керак эди. Шу билан бирга 1970 йил

рўйхатида, яшаш манбаидан бошқа саволларга танлама усулида жавоб олиниди. 1970 йыл рўйхатида танлама кузатишида аввалги йилда тўлиқ иш билан банд бўлганлар учун ишчи (доимий, вақтичча ёки мавсумда) иш даврининг узунлиги ойларда кўрсатилган. Бундан аввалги рўйхатларда ёрдамчи машгулотлар ҳақидаги савол киритилган эди, ногирон ва пенсионерлар учун эса аввалги машгулоти ҳақида савол кўйилган эди.

Баъзи хорижий мамлакатлар рўйхатларида шу гурӯҳ саволларига ишсиалик, ҳафтада тўлиқ ишламаслиқ ёки кунда тўлиқ ишламаслиқ ҳақидаги саволлар ҳам киритилган эди. Аммо статистика ҳатто статистик кузатиш даврида ишсиаликни беркитиш ёки камайтиришга ҳаракат қилинади. Масалан, баъзи хорижий мамлакатлар рўйхатида ҳеч қачон ишламаган ва ишда бўлмаган ёслар ҳисобдан туширилиб қолдирилади.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи уни демографик жараёнлар билан боғлаш имконини беради.

Олтинчи гурӯҳга туғилиш ва никоҳда туриш билан боғлиқ саволлар киритилади: тирик туғилган болалар сони, ота-онаси билан яшаётган умумий болалар сони (рўйхат ўтказилган вақтда), болаларни туғиш тартиби ҳақида, келажакдаги туғилишлар ҳақида. Бу саволлар асосан аёлларга қаратилган.

Никоҳда туриш масалалари никоҳда туриш даврини, шу никоҳда туғилган болалар сони, уларни туғилиш тартибини аниқлаиди. Баъзи ҳолларда биринчи, иккинчи ёки учинчи никоҳга ўтиш аниқланади.

Полигамия мамлакатларида аёллар сони ҳақида савол билан бирга никоҳда туриш ҳақидаги бошқа саволлар ҳам кўйиллади.

Еттинчи гурӯҳга аҳоли рўйхати ўтказилганда аҳолининг жойлашиш тартиби ҳақидаги саволлардан ташқари, унинг миграцияси ҳақидаги саволлар ҳам кўйиллади. Бу маълумотлар ёки тўлдирувчи, ёки аҳоли миграцияси ҳисоби тўғрилигини текшириш учун хизмат қалади.

Масалан, 1989 йил рўйхатида шундай савол кўйилган эди: шахс шу аҳоли пунктида қанча вақт мунтазам яшади? Агар иккى йилдан кам яшаган бўлса, унда аввалги мунтазам яшаган жойини ва у сурʼан кўчиб келиш сабабини кўрсатиши лозим бўлган. Бу саволлар танлама асосида кўйилган бўлса ҳам, аҳоли ҳаракати ҳақидаги тўлиқ маълумотларни олиш имкониятини берган.

Туғилган жойидан яшаётган жойига ўтиш сабабларини ўрганиш мақсадида, рўйхат вақтида туғилган жойи ҳақидаги савол кўйиллади. Аммо шундай бўлиши мумкинки, сўралаётган шахс умри давомида яшаш жойини кўп марта ўзгартирган бўлса, у ҳолда туғилган жойи, унинг Миграциясини тавсифлаб беролмайди. Рўйхат кунига яқинлашиш мақсадида, гоҳида урушгача қаерда яшаган ёки халиқнинг ҳаётини ўзгартиришта олиб келган қандайдир бошқа воқса

ҳақида ҳам савол күйилади. АҚШ, Канада, Австралия ёки Янги Зеландия мамлакатларида аҳолининг миграцияларига, шу мамлакатларда қанча давр яшаганligига катта эътибор берилади.

Баъзи мамлакатларда рўйхат дастури бошқа тадқиқотлар билан боғлаб олиб борилади; саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жой коммунал хўжалиги рўйхати ва бошқароқ Масалан, 1970 йил аҳоли рўйхати меҳнат ёшидаги аҳолининг ишламаслиги сабабларини ўрганиш ва маятникли миграциясини тадқиқ қилиш билан бирга олиб борилди. Бу иккала савол ҳам аҳоли билан бевосита боғлиқ бўлиб, моҳияти бўйича асосий дастурни янада тўлдиради. Лекин биздаги ўтказилган рўйхатлар, (1920 ва 1926-йиллардаги рўйхатлардан ташқари) бошқа мақсадларда ўтказилган тадқиқотлар билан боғланмайди. Рўйхатни шундай алоҳида ўтказиш бундай муҳим ва оғир ишни муваффақиятли ўтказиш имконини беради. Аҳолининг амалдаги камчиликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим ҳисобланиб, бу соҳада АҚШ катта тажрибага эга. Бунда 1830 йилдан бошлаб, кўр ва карлар сони ҳақида, 1850 йилдан эса, заиф ва жинни бўлғанлар ҳақида маълумотлар тўпланди. 1880 йилдан бошлаб ҳисобга олиш ўтказилаётган даврда аҳолининг солиги ҳақидаги савол киритилди. Бундай саволлар сонининг кўпайтирилиши кутублар натижаларни бермади ва кейинги рўйхатларда бу саволлар тушириб қолдирилиб, фақат кўр ва карлар маҳсус бланкада ҳисобга олинди. Бу тажриба кейинчалик барча мамлакатларга ёйилди.

Мамлакатимизда физик жиҳатдан камчиликларга эга бўлган шахслар ҳисоби яхши ўйлга кўйилмаган. Бу стишмовчиликлар ҳақида маълумотлар меҳнат статистикасидан ва соғлиқни сақлаш статистикасидан олинади.

2.7. Ҳисобдан ўтказиш қўлланмалари

Аҳоли рўйхат дастури сўров варақасида жойлаштирилади, у ёки бу кишининг шахсий картаси ёки маълум гуруҳ шахслар рўйхатида бўлиши мумкин. Бизда ўтказилган охирги ҳисобга олишда рўйхат варағи маълум оила ёки ёткоҳонадаги хона учун тузилган. Бундай ҳолат сўров варағининг манзил қайд этилган қисмини қисқартириш, оиласидаги ҳисобдан ўтмай қолган шахсни кейин ёзиб кўйиш имкониятини, яъни ҳисобга олиш билан боғлиқ маълумотларни кўрсатиши, шунингдек, шахсий сўров варағи маълумотларини текшириши имконини беради.

Рўйхат маълумотларини электрон машинада қайта ишлаш учун карточка шакли қултай. Маълумотларни меҳаник равишда ҳабоблаш учун жавоблар одатдагидек ёзиб олинмайди, балки уларни ёзиб олиш учун ҳар хил шартли белгилар, баъзи ҳолларда эса ёзилган жавоблардан бирининг тагига чизиб кўйилади.

Ҳисобга олиш варагидан ташқари рўйхат қўлланмалари қаторига ҳисобдан ўтказиш қўлланмаси киради. Бунда ҳисобга олиш тартиби, шунингдек, жавобларни қандай тушуниш ва қандай ёзиб олиш кераклиги белгиланади. Одатда, бу қўлланма ҳисобчиларга мўлжалланган бўлади. У саволларни бир хил тушуниш ва бир хил ёзиш, демак, маълум англашилмовчиликларнинг олдини олиш имконини беради. Масалан, 1970 йил рўйхатида «Миллати» деган саволга жавоб олиши учун ҳисобчиларга шундай кўрсатма беришган эди: «сўралаётган» одам, қандай деса, шундай доб ёзилади. Бодаларнинг миллати ота-онаси ning миллати асосида аниқланади. Фақат ота-онаси бошқа-бошқа миллатларга тегишли бўлганида ва улар болани миллатини аниқлашга қийналсалар, у ҳолда онанинг миллати асос қўлиб олинади.

Ёзиш тартиби куйидагича: гоҳида оддий саволларга жавоб сифатида ёзилади, баъзида қисқартиришларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, жинси ҳақидаги саволнинг жавобини «Э» ёки «А»; «ЭР» «АЁЛ»; ёки тўла ҳолда «Эркак» «Аёл» деб ёзилади ёки жавоб варақасидаги қайдлардан бирининг тагига чизилади. Замонавий ҳисоблаш машиналари жавобларни фақат бир хил усулда ёзишини тақозо қиласди, бўлмаса жавоб нотурни ҳисобланни мумкин.

Агар изоҳ бўлмаса, баъзи саволларни ҳар хил талқин қилиш, ҳар бир ҳисобчи жавобларни ўзигча тушуниши мумкин. Бунда материялларни яхлит бирорикда жамлаш қийинчилик туғдиради.

Рўйхат варакаси ва уни тўлдириш ҳақидаги кўрсатмадан ташқари рўйхат қўлланмалари қаторига текширув бланкалари, ҳисобдан ўтгацлик ҳақидаги маътумотнома, ҳисобчи ва йўриқшининг ёзув дафтарчаси, ҳисобчи-йўриқчи, рўйхат бўлими бошлиғи, туман йўриқчиси тўлдирадиган қайдномалар ва бошқалар киради.

2.8. Ҳисобдан ўтказиш усуллари

Ахолидан ҳисобдан ўтказиш варагидаги саволларга жавобларни иккى хил усулда олиши мумкин: сўров йўли билан ва ўз-ўзини ҳисобга олиш йўли билан. Ўз-ўзини ҳисобга олганда аҳолининг ўзи сўров варагини тўлдиради. Ҳисобчининг вазифаси шундай иборатки, у сўров варагини эгасига топшириши, уни тўлдириш ўзларини ўргатиш, ёзувларининг тўғрилигини текшириши ва варакани қайтариб олиши лозим.

Сўров йўли билан ўтказилганда ҳисобчи жавобларни аҳолининг ўзидан, айниқса, қарияларнинг ўзларидан олишга ҳаракат қиласди. Бодалар, эшитмаидиганлар ва жавоб бера олмайдиганлар ўринига, уларнинг ота-оналари жавоблари ёки улар билан бирга яшайдиган балоғатга етган кишилар жавоблари ёзилади.

Қайиси усулни кўллаш аниқ жавоб олиш мақсадларига ва харажатларни камайтиришга қаратилади. Мамлакатимиз аҳоли-

сининг саводхонлик даражаси юқори бўлса ҳам, сўров усулига кўпроқ эътибор берилади.

Сўров – ҳисобга олишнинг оммавий варианти бўлиб, у сўровларни бир хил тушуниш, яъни варақаларни сифатли қилиб тўлдириш имконини беради. Тажрибали ҳисобчилар томонидан тежаб қолинадиган сўров варақалари ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Ўз-ўзини ҳисобга олиш усулида, сўров варақасидаги саволларга ҳар бир киши ўзича, алоҳида жавоб берishi мумкин. Махсус белгиланган жавоблар мавжуд ҳолларда ўзини-ўзи ҳисобга олиш жуда мураккаб ҳисобланади. Лекин бу усул ҳисобдан ўтказиш муддатини қисқартиради ва агар ҳисобчилар аҳолига виждоан ёрдам берсалар, сифатли маълумотларни олишлари мумкин. Ўзини-ўзи ҳисобга олиш Европанинг кўплаб мамлакатларида, Австралия, Янги Зелландия, Канада, АҚШ да қўлланилади.

Бу усулда сўров варақасидаги саволларни тушунарли ва аниқ қўйилиши ва ўйл-йўрик тарзидағи кўрсатмаларнинг тузилиши муҳим аҳамият касб этади. Одатда, кўрсатмалар сўров варақасининг ўзида келтирилайди.

Лекин аҳоли рўйхати ҳеч қачон бир усул ёрдамида ўтказилмайди. Оданий саволларга жавобларни аҳолининг ўзи, мураккаб саволларниң жавобларини эса ҳисобчилар ёздишлар. Демак, рўйхат комбинация усулида ўтказилади. Сўров даврида сўроқ варақалари ҳисобчининг ўзида бўлганлиги учун, у уларни текшириш ва жавобларни аниқ ғизиб олиш имкониятига эга бўлади. Айрим ҳисобдан ўтувчи билан шахсий учрашув бўлмаса, жавобни қариндошларидан олиш ҳам мумкин.

Баъзи давлатларда сўров ва ўзини-ўзи ҳисоблаш усули билан бирга, рўҳат ўтказиладиган жойга келиб жавоб берishi усули ҳам қўлланилади. Бунда шахс ҳисобдан ўтказастган муассасага (кўпинча полиция участкасига) келиб ҳисобдан ўтади.

2.9. Ҳисобдан ўтказишнинг ташкилий масалалари

Аҳолини ҳисобдан ўтказишга тайёргарлик бир неча йил олдин бошланади. Энг аввал унинг дастури тузилади. Дастур маҳсус ҳайъят томонидан ишлаб чиқилиб, муҳокама қилингач, статистиклар кенгаши муҳокамасига берилади. Шундай жараён 1959, 1970, 1979, 1989—йиллардаги аҳоли рўйхатларида амалга оширилган. Дастурни ва лозим бўлган маълумотларни олиш мумкинлиги имкониятини аниқлаш учун синов рўйхатлари ўтказилади. Бунда ҳар хил сўроқ варақалари, уларни тўлдириш кўрсатмалари, ҳисобчи ходимлар юкламаси, материалларни қайта ишлаш усуслари синовдан ўтказилади. Рўйхатни ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида аввал рўйхат тузилади: қишлоқ жойларда – аҳоли пунктларида, шаҳарларда – фуқаролар яшайдиган туманлар бўйича. Шундай рўйхат-

лар асосида ҳисоблаш участкаларга бўлинади ва ҳисобчилар хужжатлар билан таъминланади.

Ҳисобга олишда уйларнинг тартиб рақамлари аниқланади. Агар уй хўялигига бир неча қурилишлар бўлса, у ҳолда шу қурилишлар ва квартиralар рақамланади, қишлоқ жойларда, аҳоли пунктларидан ташқари (қишлоқ, хугор, алоҳида қурилишлар) ахоли ҳовлилари ҳам рақамланади. Барча қурилиш ва биноларни кўздан кечириш вақтида уларнинг рақамлари аниқланади. Аҳоли ҳақидаги бирламчи маълумотларни йигиши билан бирга ҳисобга олиш жойлари туманлаштирилади ва барча ҳудуд айрим участкаларга ажратилиди.

Аввало ҳисобчи хизмат кўсатадиган ҳисоблаш участкалари ажратилиди. Ҳисоблаш участкалари бир неча уйлардан, бир уйдан, ҳатто уйнинг бир қисмидан ташкил топади. Агар шаҳарда ҳисоблаш участкаси бир неча уйдан ташкил топса, унинг чегараси ва кварғали аниқланади. Юқори дараҷада шаҳарлашган ҳудудда бир-бири билан яқин жойлашган квартиralар ҳисоблаш участкаси бўлиши мумкин, у ҳолда бу участка чегараси аниқ чизик билан чегараланмайди. Шунинг учун ҳисобчига, унинг чегарасини аниқ кўрсатиб кўйиш керак бўлади.

6, 7 та ҳисоб участкаси бирлашиб, йўриқчи томонидан бошқарилалигидан учаскани ташкил этади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир ҳисобчи 400-500 кишини ҳисобдан ўтказади. Аммо бунда кўп нарса ҳисобдан ўтказиш муддатига, ҳисобдан ўтказиш дастурининг мураккаблигига, ҳисобга олиш жойи шаҳар ёки қишлоқдалигига, бинобарин, аҳоли зичлигига, алоқа воситаларига боғлиқ. Йўриқчи участкаси 3000 га яқин кишини қамраб олади. Бир неча рўйхат участкаси ҳисобдан ўтказиш бўлимини, бир неча рўйхат бўлими эса рўйхат ўтказиш туманини ташкил этади.

Ҳисобчилар, йўриқчи-назоратчилар, рўйхат бўлими бошликлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, ҳисобчилар ва йўриқчи-назоратчилар захираси, ҳисобчи ходимлар персоналини ташкил этадилар.

1970 йилда ҳисобчи ходимлар сони 650 минг кишидан ташкил топган. Улар томонидан мамлакатнинг 240 млн. аҳолиси ҳисобдан ўтказилган. Статистик идоралар ҳисобчи ходимлар персоналини асосан ақдий меҳнат билан шуғулланувчи кишилардан – ўқитувчилар, хизматчилар, талабалар, ўрга маҳсус таълим мұассасалари ўкувчилари ҳисобдан ташкил этадилар.

Рўйхат қатнашчилари ҳокимият томонидан кўл қўйилган гувоҳнома билан таъминланадилар. Бу гувоҳномалар ҳисобдан ўтказиш вақтида ҳисобчилар томонидан аҳолига кўрсатилиди. Охирги ҳисобдан ўтказишида улар кўкрак белгиси билан ҳам таъминландилар. Улар иерархик тамойил асосида ўқитиладилар. Ав-

вало статистик бошқармаларнинг раҳбар ходимлари, сўнгра вилоят, туман ҳисобдан ўтказиш идоралари ва кейин ҳисобдан ўтказиш персоналийнинг пастки табақалари ўқитилади. Бунда тепадан пастта қараб тартибига таянилади: кечча ўқувчи бўлганлар, бутун ўқитувчига айланади.

Ўқитиш давомида асосий мавзу, рўйхат дастури ва унинг саволларини бир хил тушуниш ва ҳисобга олиш қоидаси ҳисобланади. Ўқиш тутагач, ходим имтиҳон топширади. Ўнда асосий элемент сифатида рўйхат ҳужжатларини тўғри тўлдириш ҳисобланади. Таїёргарлик кўрган ва имтиҳон топширган ходимлар ҳисобдан ўтказишда қатнашадилар. Шунингдек, бу жараёнда, ҳар эҳтимолга қарши, ҳисобчи ва назоратчилар захираси ҳам ташкил қилинади.

Ҳисобдан ўтказувчи ходимлар саволларни ўрганиш ва имтиҳонларни топшириш учун бир исча кунга асосий ишдан озод этиладилар. Бу ҳолат ҳисобга олиш даврида ҳам сақланади. Ҳисобдан ўтказишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳоли орасида тайёргарлик ишларини олиб боришга боғлиқ. Бинобарин, ҳисобга олишга тайёргарлик аҳоли орасида ташвиқот ишлари олиб боришни кўзда тутиши лозим. Ташвиқот давомида рўйхат матералларидан фақат давлатни бошқаришда статистик материал сифатида фойдаланиш тушунтирилиши лозим.

Ташвиқот ишларини олиб бориш усули ҳар хил бўлиши мумкин: ташвиқотчилар сұхбати, радио орқали эшигтиришлар ва телевидение орқали кўрсатувлар, рекламалар, плакатлар, брошюралар чиқариш, маъruzалар ўқиш ва Таълим марказларида ташвиқот ишларини олиб бориши жуда муҳим ҳисобланади.

Охири ҳисобдан ўтказишда, ҳокимиятлар қошида ҳисобга олишга хайриҳоҳ гуруҳлар ишлаб туради. Гуруҳ аъзолари аҳоли орасида ташвиқот ишларини олиб борадилар, ҳисобдан ўтказувчи ходимларни танлашта кўмаклашадилар, имаратлар топиб бериб, уй эгалари рўйхатини ва аҳоли яшайдиган пунктлар рўйхатини тузадилар.

Барча ташкилий ишлар алоҳида ҳужжатда, яъни ҳисобга олишнинг ташкилий режасида белгилаб олинади.

Аҳолини ҳисобдан ўтказишнинг барча бўғинларида ташкилий ишлар режаси тузилади. Ўнда ишнинг номи, уни амалга ошириш муддати, амалга оширувчи шахс ёки ташкилотнинг номи кўсатылади. Бунда ташкилий режада ишларнинг ижроси асосан ҳисобга олишга тайёргарлик вақтида амалга оширилади: алоҳида аҳоли яшайдиган жойларнинг чегараси аниқланади, уй эгаларининг рўйхати тузилади, ҳисобга олиш туманлаштирилади, ходимлар танланниб, жой-жойига қўйилади, имаратлар аниқланади, ташвиқот ишлари олиб борилади, ҳисобга олиш жойларини олдиндан айланниб чиқиши, рўйхат ҳужжатларини тўлдириш ва синов ишларини ўтказиш низомда белгиланади

ва қўлланмада кўрсатилади.

Ташкилий режада ҳисобга олишни тугаллашни, чунончи, ҳужжутларни қабул қилиб олиш, уни транспортларга ортиш, қайта ишлаш ва ҳисобдан ўтказиш якунларини чоп этишини ҳам назарда тутади. Доимий ишлаб турган статистика идоралари ва маҳсус ташкил этилган ҳисобга олиш бўлимларида рўйхатлардан ўтказишнинг ташкилий режалари тузилади.

2.10. Синаб кўриш ишлари

Аҳоли ҳисобини тўғри олиб бориш учун қатор синов ишлари амалга оширилади. Ҳисобга олишнинг биринчи қунида ҳисобдан ўтказилган шахсга яна қайтадан ҳисобдан ўтмаслиги учун ҳисобдан ўттанлиги ҳақида маълумотнома берилади. Ҳисобдан ўтишлари лозим бўлган кишилар ҳисобдан ўтмай қосалар (кетиб қолиши эҳтимоли бўлса), уларга назорат бланкаси берилади.

Ҳисобчи амалга оширган ёзувларнинг тўғрилигини билиш мақсадида ўтказилган назорат ишлари ўта мухим ҳисобланади. Бундай назорат ишларини анча маълакали ходим амалга оширади.

1939, 1959 йилларда ўтказилган аҳолини ҳисобга олиш вақтида назоратчи – йўриқчи, ҳисобдан ўтган ҳамма кишиларни кўриб келиши ва назорат қилиши, 1989 йилги ҳисобга олишда жаҳон маҳсус танлаб олинган кишиларни назорат қилишлари лозим бўлган.

2.11. Олинган маълумотларни машинада қайта ишлаш

Рўйхат варақалари ҳисобчидан йўриқчи – назоратчига, рўйхат бўйими бошлигига, туман, вилоят, республика бўғинларидан ўтиш жараённида текширилади.

Материаллар иерархик пиллапоядан ўтиши жараённида оддий маълумотнома тузилади. Унда ҳисобга олинган маълумотларни кичик-кичик гурӯхларга ажратиб жамланади.

Ундан кейин машинада ишлов бериш учун материалларни текшириб машинага киритилади. Маълумотларга юкори унумли автоматик ишлов бериш жараённи киритиш жиҳозларни янада тақомиллаштириш имконини беради, улар магнит дискасига ёзилган ҳужжатдаги маълумотларни ҳисоблаш имкониятига эга.

Ҳисобловчи курилма ҳисоблаш машинаси «боши»дан ўтган ҳар бир магнит белгини, ҳар хил кўрсаткичларни ўрганиш имкониятига эга. Сўнгра маҳсус каналлар орқали сигналлар э��да сақлаб қолиш курилмасига ўтказилади компьютер дастури асосида маҳсус жадваллар чоп этилади.

2.12. Аҳолини ҳисобдан ўтказиш тарихи

Мамлакат аҳолисини ҳисоблаш зарурияти пайдо бўлганига анча вақт бўлди. Лекин, фақат Пётр I давридан бошлаб уни ҳисоблашнинг тафтиши деб номланган тизими кўллана бошланди. Бу тафтишларнинг мақсади аҳоли сонини ҳисоблашдан иборат бўлиб, унда асосан солиқ тўловчилар сони аниқланган. У биринчи нағбатда деҳкон ва мешчанларга таалтуқли эди.

Тафтишлар (рўйхат)ни шартли равища аҳоли рўйхати билан тенгташтириш мумкин, чунки уларда фақат аҳоли сони аниқланган. Шунинг учун, солиқ тўловчи аҳоли билан тўламайдиган аҳоли ҳам ҳисобга олинган. Бундай ҳисоблашларда, ҳатто олдинги ва ҳозирги ўтказилаётган рўйхат натижаларини солиштириб бўлмас эди, чунки солиқ тўловчиларнинг тоифалари ўзгариб турган. Тафтишларнинг энг катта камчилиги ва уларнинг аҳоли рўйхатидан фарқи шундаки, ҳисобга олиш даврлари ҳар хил бўлиб, улар жуда чўзиб юборилган. Масалан, еттиничи тафтиш 10 йил давомида, тўққизинчики бир йил давомида ўтказилган. Биринчи тафтиш 1720 йилдан 1722 йилгacha давом этган.

1897 йилги аҳоли рўйхатлари. Ўнинчи тафтиш ўтказилгандан сўнг хукумат аҳолининг тўлиқ ҳисобга олиш ҳақидаги низомини тасдиқлади. Бу ҳисобга олиш ҳозиргидек, бир вақтда ўтказилаётган бўлди. Ҳисобга олиш ҳақидаги низом 1895 йилда тасдиқланган, у 1897 йилнинг 28 январь (9 февральда) ҳолатига нисбатан ўтказилган. Унда аҳолининг 3 тоифаси ҳисобга олинди: мавжуд, доимий ва юридик аҳоли. Рўйхат варакаси ҳам 3 хил усулда тузилди: «А» шакт – деҳкон хўжаликлари учун, «Б» шакт – мулкка эгалик қилувчи хўжаликлар учун, «В» шакт – шаҳар аҳолиси учун. Қишлоқ жойларда ҳар бир хўжалик учун аҳоли сўроқ варакаси тузилиб, унга бирга яшайдиган қариндош-уругелар, оила аъзолари ва улар билан яшайдиган шахслар киритилди. Шаҳар жойларда алоҳида квартиralар ҳисобланди. Агар бир киши ўзи алоҳида хўжаликка эга бўлса ёки алоҳида квартирада яшаса, унга алоҳида сўров варакаси тўлдирилган.

Ҳар бир сўров ўтказилган шахсдан 14 та саволга жавоб олиниб, унга фамилияси (лақаби) ва физик камчиликлари ҳақидаги маълумотлар киритилди. Масалан, ойлавий аҳволи ҳақидаги саволга кўйиндагилар киритилди: бўйдоқ, уйланган ёки бева; саводлистиги ҳақида: ўқишини биладими; қаерда ўқийди, ўқиганми, таълим курсларини битирганми?

1897 йилда сўров варакаси критик моменттacha бўлган даврда – 28 январгача тўлдириб кўйилган, 28 январь куни варака бир бор текшириб кўрилган, лозим бўлса унга тегишли тузатишлар, шунингдек, шу кунги ҳолати бўйича тузатишлар киритилган. Вараканинг олд томони критик моментга нисбатан аҳолини тоифа-

лари бўйича ҳисоблашга, мавжуд, доимий аҳоли сонини ёзишга мулжалланган. Бундан ташқари, қишлоқларда деҳқон бўлмаган кишилар, шаҳарларда аксинча, деҳқонлар ҳисобга олинган.

Сўров варақасидан ташқари аҳоли яшаидиган пунктлар ва рўйхат ўтказилганларни бўйича жамловчи хужжатлар тўлдирилади.

Ҳисобга олиш ишларини бош ҳисобга олиш ҳайъати раиснички ишлар вазири, губернияларда норасмий равищда—губернаторлар расмий равищда эса, ҳисобга олиш ҳайъати; уездларда—дворянлар ва уезд ҳисобга олиш ҳайъати бошқарган. Ҳисобдан ўтказишда захирадаги саводли солдатлар, «ишончли» кишилар, ўқитувчи ва дин арбоблари тайинланган. Шаҳар ва дала ҳовлиларда ҳисобчи сўров варақаларини олиб кетган, олиб кетган ва текширган, уларни тўлдиришини эса эгалари—ижарачилар амалга оширган.

Рўйхат варақаларини тўлдириш ишлари критик моментга ишебтан қишлоқларда 20 кун, шаҳарларда эса 10 кун аввал бошланган. Қишлоқ жойларда ҳисоблаш участкаси 2000 та яшовчини, шаҳарларда 750 та яшовчини қамраб олган. Рўйхат материалларини ишлаш 8 йил давом этган. Унда Россия аҳолисининг синфиий ва миллий таркиби акс этирилмаган.

2.13. Аҳолининг жорий ҳисоби. Аҳоли жорий ҳисобининг моҳияти ва аҳамияти

Аҳолининг жорий ҳисоби дейишилганда, аҳолининг табиий ҳолатидаги жаракаси ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва бу жаракасида иштирок этувчи шахслар тавсифномаси, уларни ишлаш, статистик маълумотлар таҳлили ва уларни чоп этиши тушунилади.

Ҳар қандай статистик ҳисобни амалга оширишнинг асосини қандай воқсалар ҳисобга олиниши ва уни амалга оширувчи муассаса ҳақидаги қонун ташкил этади.

Мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан фарқланиши натижасида фуқароларни ҳисобга олиш ҳақидаги қонунлар ҳар хил билимларни, ҳар хил административ тузилма турлари мавжуд бўлишини тақозо қиласи.

Маълумки, баъзи Европа мамлакатларида аҳолини ҳисобга олиш XVI аср ўргаларида, кўп мамлакатларда эса XVII аср охирида урнатилиб, унда аҳолининг табиий ҳаракати ҳақидаги воқсалар черковларда ҳисобга олинган. Масалан, Швецияда 1686 йилда черков қарори билан никоҳдан ўтиш ва ўчиш ҳолатларини қайд этиш учун маҳсус китоб юритилган. Шу билан бирга ҳамма келгандар рўйхати ҳам тузила бошланган. Черков маълумотлари ва ундаги ҳисоб маълумотлари асосида қонуний тавсифга эга бўлган хужжатлар берилган. 1748 йилда Давлат қарори билан аҳолининг табиий ҳаракати мунтазам равищда ҳисобга олина бошланди.

Кейинчалик черков ёзувлари фуқаролик ёзувлари билан алмаштирилди. XVII аср охирида Дания, Норвегия, Финляндия каби мамлакатларда черков рўйхати киритилиб, XX аср бошида у фуқароларни қайд этиш билан алмаштирилди. XIX асрда Европада ҳисобга олиш одатий тус олди.

Ослё мамлакатлари ичидаги бўйиб ҳисобга олиш Шри – Ланкада 1868 йилда амалга оширилди. Лекин кўп мамлакатларда бу ишни амалга ошириш чўзилиб кетди. Масалан, Хиндистонда бу иш 100 йилга чўзилди. Шимолий Америка мамлакатлари (Канада, АҚШ)да ҳисобга олиш алоҳига регионал бўйича ва регион карорлари асосида амалга оширилди. Масалан, Канадада биринчи бор туғилганларни ҳисобга олини Квебек ўлкасида 1878 йилда амалга оширилди ва фақат 1916 йилда фуқароларни ҳисобга олини ҳамма худудда амалга оширилди.

Лотин Америка мамлакатларида фуқароларни ҳисобга олиш қонуни XIX асрнинг иккинчи ярмида (масалан, Перуда 1852 йилда) амалга оширилди, бу иш регионал тавсифга эга бўйиб, улар аста секин киритили борди. Африка қитъасида бу иш кечроқ амалга оширила бошланди. Колонизаторлар бошчилигида ҳисобга олиш амалга оширилган давлатлардан кейинчалик улар мустақилликка эришгач ўзгарилилди.

Россияда черков ҳисоблари 1917 йилда фуқаролик ҳолатларини қайд этиш билан алмаштирилди.

Фуқаролик ҳолатларини қайд этишининг асосий талаби – қонун тузи билан воқеа ҳақида хабар бериш ва уни хужжатларда ажеттириш лозим. Қонда бўйича бундай қонулар мавжуд, бундан ташқари ҳар хил кўшимча рағбатлантиришлар ва санкциялар қўлланилади. Рағбатлантиришининг моҳияти шундаки, унда маҳсус маълумотнома берилади ва у қонуний кучга эга бўлади. Шу асосда нийтимоний ёрдам олиш мумкин бўлди. Санкция сифатида ҳар хил жарималар ёки маълум муддат озодликдан маҳрум этиш қўлланисини мумкин бўлди. Масалан, АҚШ да регионал қонулардан келиб чиқиб, ҳисобдан ўтказилмагашларга 25 дан 100 долларгача жарима солинади. Чилида озодликдан маҳрум этиш муддати 64 кундан 4 йилгача бўлиши мумкин (агар ўйлангани ҳақидағи маълумотни бермаса).

Африканинг баязى мамлакатларида ҳозиргача ҳисобдан ўтиш ихтиёрий равишида амалга оширилади. Аҳоли табиий ҳаракатини тўлиқ ҳисобга олиш, фақат мақбурий ҳисобдан ўтиш эмас, кандай демографик жараёнларни ҳисобга олиш билан ҳам боғлиқ. БМТ котибияти томонидан 105 мамлакатда ўтказилган танлама кузаттиш натижалари қуйидагича бўлган: ҳамма мамлакатлар фақат туғилини ва вафот этишини ҳисобини ўтказгаган, улардан еттиласи шикоҳдан ўтганини, 27 таси вафот этганини, 41 таси никоҳдан чиққанини ҳисобга олмаган.

Баязى мамлакатларда аҳоли жорий ҳисобини ички ишлар ва-

зирлиги, баъзи мамлакатларда эса, Соғлиқни сақлаш ёки ижтимоий таъминот вазирлиги ўтказади. Шунинг натижасида ҳисоб формаси ва ҳисоб натижаларини чоп этиш усуллари ҳам хилма-хил.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳисобга олиш қонунлари жорий ҳисоб олдига қатор талабларни қўяди: воқса юз берганини билдирувчи ахборотчини танлаш, ҳисобдан ўтказиш жойи ва муддати кўп ҳолларда тугилишини ҳисобдан ўтказишида ота-оналар ёки туғишганлар, никоҳни ҳисобга олишда кўёв ва келтин, вафот этишини ҳисобга олишда тиббий ходимлари ва бошқалар. Бундан ташқари ахборот берувчилар сифатида унга таалтуқли муассаса ёки амалдаги шахслар бўлиши мумкин. Аҳоли табиий ҳаракатини ҳисобга олишда географик асос қилиб, кўп мамлакатларда воқса содир бўлган жой олинади. Бошқа ҳолларда шахснинг яшаш жойи (туғилганда – ойланинг яшаш жойи, никоҳдан ўтганда – кўёв ёки келиннинг яшаш жойи, никоҳдан чиқишида ҳам шундай).

Ҳисобга олиш даврини белгилаш аҳоли табиий ҳаракати ҳақидаги солиштириш мумкин бўлган маълумотларни олиш имконини беради. Бунда ҳам бир хизълик сезилмайди. Бунда демографик воқсанинг ўзи таъсир кўрсатади: вафот этганда ва тугилганда бир ойча муддат берилади. Лекин алоҳида мамлакатлар бўйича хилма-хил: масалан, Венгрия, Чехословакия, Финляндияда тугилганда 1 кунгача, АҚШда регионал қонуниятга асосан 10 кунгача, Малайзия ва Свазилендда 12 ойгача муддат берилади. Баъзи мамлакатларда демографик вақеаларни ҳисобга олишга ҳеч қандай муддат берилмайди (Исландия, Швеция).

Вафот этишини ҳисобга олишда кўп мамлакатларда 1 кундан 3 кунгача муҳлат берилади. Никоҳдан ўтишни қайд этишда, кўпчилик мамлакатларда 1 кундан 1 ойгача. Баъзи мамлакатларда, никоҳдан ўтаётганда ҳисобдан ўтказилади. Бундай тартиб кўпчилик Европа, Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатларида (Австрия, Буюк Британия, Франция, Чили, Сингапур, Сурия ва бошқалар) қўлланилади.

Никоҳдан ўтишни ҳисобдан ўтказишида, суд жараёни тузилишини ҳисобга олиб кўп мамлакатларда муддат бслгиланмаган.

Аҳолининг табиий ҳаракатини ҳисобга олишини асоси бўлиб, тиббий маълумотнома ҳисобланади.

Никоҳдан ўтишда, никоҳдан ўтиш ҳақидаги ариза ва гувоҳлар бўлиши талаб қилинади. Иккинчи марта никоҳдан ўтишини ҳисобдан ўтказиш учун биринчиси билан ажralиш ҳақидаги ёзувнинг нусхаси талаб этилади ва бошқалар.

2.14. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби тизими

Аҳоли статистикасида аҳолининг табиий ҳаракатини ҳисобга олиш жорий ҳисоб деб аталади. Бу номнинг ўзи воқсани ҳисобдан

ўтказишининг тўхтовсиалигини, доимийлигини ва статистик ахборот олишининг узлусиалигини англатади.

Черковнинг давлатдан ажратилиши аҳоли табиий ҳаракати ҳисоби тузилишини бутунлай ўзгартириб юборди. 1917-1918 йиллардаги қонуниятлар оиласвий-никоҳ муассасалари тамойиллариши бутунлай ўзгартириди (фуқароликни режалаштириш ва бу мақсадлар учун маълум муассасаларни барпо этиш). Шу даврнинг асосий қонунлари сифатида: «Фуқаролик никоҳи, болалар ҳақида ва ҳолатни акс эттирувчи китобни юритиш ҳақида» (1917 йил декабрь)ги қонунини келтириши мумкин.

Шу қонун асосида аҳоли табиий ҳаракатини ҳисобга олиш маҳсус ташкил этилган фуқаролик – шаҳарларда – ФХДЁ бўлимларига, қишлоқларда – қишлоқ қенгашлари зинмасига юкланди.

Аҳолининг табиий ҳаракатини қайд этиш қуйидаги тартибда амалга оширилди: ҳаракат 1919 йилдан 1926 йилгача ҳар бир туғилганга, ўлганга, никоҳдан ўттанга ва ўчганга ЗАГС даги рўйхат билан бирга маҳсус карточка очиш йўли билан амалга оширилди. Юридик кучга эга бўлмаган бундай маҳсус карточкалар ҳар доим ҳам тўлдирилмас, уларга тоқайдлик билан қаратар, натижада статистик ахборот тўлиқ бўлмасди. 1926 йилдан бошлаб, фуқаролик ҳолати ҳақидаги хужжат 2 та бир хил нусхада тузилса бошланди ва у юридик кучга эга бўлди. Давлат статистик идораларида ишлаш учун иккинчи нусха бериладиган бўлди, улар қайта ишланиб, яна ФХДЁ идораларига қайтариларди. Шундай ҳолат хозиргача сақланниб қолган ва у аҳолининг табиий ҳаракатини тўлиқ ҳисобга олиш имкониятини беради.

Қисқача холосалар

Ушбу мувзуни ўрганиш талабаларга аҳоли ҳақидаги маълумотларни: ҳисобга олиш, жорий ҳисоб ва маҳсус ташкил этилган ижтимоий – демографик тадқиқотлар ўтказиш мөҳиятини ўрганиш имконини беради. Талабалар статистик ахборотларни түплаш, аҳоли ҳисобини олиб бориш муаммолари ва маҳсус демографик тадқиқотларни ўтказиш ҳақида тасаввур ҳосил қыладилар. Айниқса, талабаларга аҳоли рўйхати маълумотларини бир-бири билан солиштириш кўп нарсани биљиш имкониятини яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли статистикасининг маълумот манбалари: аҳоли рўйхати ва жорий ҳисоби.
2. Аҳоли рўйхати. Уни ташкил этиш ва дастурий-услубий масалалари.
3. Аҳоли тоифалари.
4. Аҳоли рўйхати маълумотларининг тўлиқ ва ишончтилиги назорати.
5. Рўйхат натижаларини қайта ишлаш.
6. Аҳоли рўйхатини ўтказишида танлама қузатишни қўллаш.
7. Аҳолининг жорий ҳисоби. Аҳолини табиий ва меҳаник ҳаракати ҳисоби.
8. Аҳоли табиий ҳаракати ҳисобининг ташкил этилиши.
9. Аҳоли меҳаник ҳаракати ҳисобининг ташкил этилиши.
10. Маълумотларни қайта ишлаш ва унинг дастури.

Асосий адабиётлар

1. Бўрисва М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Т., 1997
2. Колесникова М.И. Социально-экономическая статистика - М., 2002.
3. Кильдишев Г.С. и др. Статистика населения с основами демографии. - М.: Финансы и статистика, 1997
4. Степаненко С.Г. Задачник по статистике населения. - М., 1995
5. Усмонов Б. Статистика населения (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000.

• •

III боб

АҲОЛИ СОНИ, ТАРКИБИ ВА ЖОЙЛАШИШИ СТАТИСТИКАСИ .

3.1. Аҳоли сони ва жойлашиши

Аҳоли сони – маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳисоблаб чиқилган миқдорини ифодалайди. Аҳоли сони ҳақидаги маъдумотлар аҳоли рӯйхатини ўтказиш натижасида ёки доимо олиб бориладиган рӯйхат, маъдумотлар банки, аҳолининг ҳар хил рӯйхатларидан маълум кунга, вақт моментига (ҳисобга олишдаги критик момент) нисбатан аниқланади. Шунинг учун олинадиган мутлақ миқдорлар моментли кўрсаткич, улар қатори эса, шу туман аҳолиси сонининг динамика қатори ҳисобланади. Аҳоли сонисиз демографик жараёнлар динамикаси ва интенсивлигини тавсифлайдиган нисбий миқдорларни ҳисоблаб бўлмайди. Бундай ҳолда ўртача арифметик, ўртача геометрик ёки ўртача хронология формула асосида аҳолининг ўртача йиллик сони аниқланади.

Аҳоли сони маълум вақт оралиғида айrim регионлар бўйигча солиширилганда, ҳудудларда юз берган ўзгаришларни эътиборга олиш лозим бўлади. Бу асосан, мамлакатлар чегарясеи ўзгариши, улар ичида эса, айrim ҳудудларининг, айrim аҳоли яшаш пунктлари мақомийнинг ўзгариши ва уларни шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси гурухига киритиш масалалари ва бошқалар билан боғлиқ.

3.2. Аҳолининг ўртача сони

Демографик статистикада аҳоли сони мухим кўрсаткич ҳисобланади. Уни олиш манбаи, вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган аҳолини ҳисобга олиш ҳисобланади.

Аҳоли сони маълум кунга, йил боши ёки йил охирига нисбатан аниқланади. Лекин амалда кўпинча оралиқ кўрсаткичларини, масалан, туғилганлар ёки ўлганлар сонини маълум даврда никоҳдан ўтганлар сони, истеъмол қилинаётган маҳсулотлар миқдори, ишланган киши кунлари билан солиширишга тўғри келади. Бу кўрсаткичларни солишириш мумкин бўлган ҳолга келтириш учун аҳоли сони ҳақидаги моментли кўрсаткичдан, интервалли кўрсаткич – аҳолининг ўртача сонига ўтиш керак.

Аҳолининг ўртача сонини аниқлаш усуслари турлича. Агар аҳолининг сони йилнинг боши ва охири берилган бўлса (агар аҳоли сони бир месъёрда ўзгарса), унда ўртача аҳоли сонини ҳи-

соблаш учун ўртача арифметикдан фойдаланишда оддий кўрсаткич мумкин:

$$\bar{S} = \frac{S_0 + S_1}{2}; \quad \bar{S} = S_0 + \frac{1}{2} \Delta S$$

$$\text{Бу ерда: } \Delta S = S_1 - S_0 \quad \text{ёки} \quad \bar{S} = S_0 + \frac{1}{2}(N - M).$$

Агар аҳолининг сони узоқ даврга берилган бўлса, (агар унинг сони геометрик прогрессия билан ўзгарса) у ҳолда аҳолининг ўртача сонини қўйидаги формула таббийча аниқлаш лозим:

$$\bar{S} = \frac{S_n - S_0}{\ln S_n - \ln S_0}$$

Агар аҳоли сони тенг интервалли молияли қаторларда берилган бўлса, у ҳолда хронологик формуладан фойдаланилади:

$$\bar{S} = \frac{\frac{1}{2} S_1 + S_2 + S_3 + \dots + \frac{1}{2} S_n}{n - 1}$$

Ҳар хил интервалли молияли қаторларда ўртача арифметик тортилган формуладан фойдаланилади. Бунда вазн ролини интерваллар микдори бажаради:

$$\bar{S} = \frac{\sum S_m}{\sum m};$$

Бу сурʼа: m -интерваллар сони.

Аҳоли миграцияси ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, хусусан, вақтингча яшаётганлар ҳақида ёки миграция қолдиги ҳақида маълумотлар бўлганда, аҳолининг табиий ҳаракатидаги ҳисобга лозим бўлган тузатишларни киритиш лозим.

3.3. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси

Аҳоли жойлашиши ҳақида маълумотлар асосида уларни шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратиш мумкин.

Шаҳар ривожланган инфратузилмага эга бўлган йирик аҳоли яшайдиган пункт бўлиб, у ишлаб чиқариш, бошқариш, ташкилий – хўжалик, маданий функцияларни бажаради. Бу мақомни у қонуний йўл билан олган бўлади.

Аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳарга ўтказишнинг маълум тарихий месъёрлари мавжуд. Уларни ушбу гурӯҳларга ажратиш мумкин:

1. Тарихий. Мамлакатларниң тарихан ривожланишиниң нағызаңда ҳосил бўлган шаҳарлар.

2. Минқорий. Аҳоли яшайдиган пунктларда аҳоли сони мазътум минқорга етгач, унин шаҳар қаторига кўшилади. Айрим олинган мамлакатлар бўйича унинг диапазони ҳар хил.

3. Иқтисадий. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган аҳоли сонига, удушига қараб.

Қондада бўйича, бу тамоийл бошқа иқтисадий тамоийллар билан биргаликда (масалан, аҳоли зичлиги) кўшиб олинади. Масалан, Ҳиндустонда шаҳар қаторига 5 мингдан кам аҳолиси бўлмаган ва зичлиги m^2 га 1000 киши тўғри келган ва аҳолисининг 75%и қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган аҳоли яшайдиган пунктлар критилади.

4. Қонуний. Маълум қонуиларга мувофиқ аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳар қаторига киритиш. Бу хам маълум минқорий тамоийллар билан биргаликда кўлланилади. Масалан, Канада, АҚШ ва бошқа давлатларда шу тамоийл кўлланилади. Ўзбекистонда З мезонли тамоийл: минқорий, иқтисадий ва қонуний тамоийллар амал қиласади.

Ўрбанизация шаҳар аҳолиси сони ўсиши билан боғлиқ жараёни бўлиб, унинг энг муҳим белгилари эски шаҳарларниң ўсиши, янги шаҳарларниң пайдо бўлиши ва шаҳарлар жойлашишинг қийинчиликлари ҳисобланади.

Статистикада шаҳарни одамлар сонига қараб, қатор гурӯҳларга ажратилади. Шаҳар аҳолиси сонининг ўсиш манбаси, табиии ўсиш ва миграция қоддиги ва аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳарга айлантириши ҳисобланади. Шаҳар аҳолисининг тарқиб топинида бу манбалар ҳар қандай даврда ҳар хил роль ўйнаиди.

Дунёда қишлоқ аҳолисининг жойлашиши жуда хилма хил. Нилаб чиқарини суръатлари бўйича аҳоли яшайдиган пунктларни З турға бўлиш мумкин: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги бўлмаган ва аралаш. Аҳоли тарқалишининг бошқа тури хам мавижуд, дисперсион ёки ёйниб кетган тарқалини. Бунга хутор ёки фермерларниң тарқалини мисол бўла олади.

Қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган пунктларниң шакти ва тури дунё мамлакатларниң тарқиби ривожланишини ифодалайди. Қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган пунктлар сонини аниқ айтиб бўлмайди, айрим мамлакатларда статистик ҳисоб биркини, алоҳида пунктлар эмас, балки уларниң бирлашмаси ҳисобланади. Уларниң сони санааш дараҷасига боғлиқ бўлтиб, тахминан 12 дан 20 минг қишигача бўлади.

Аҳоли ҳаракатига қараб, ер юзи аҳолисини иккни гурӯхга ажратини мумкин:

1) Европа, Осиё, Лотин Америкасын қитъасы давлатлари – ахоли күпроқ шахарларда жойлашған;

2) Австралия, Канада, Яңы Зеландия, Африка дастанлари – ахоли асесан қышлоқ фермер хұжаликлари бүйінча жойлашған.

Инициалдың қарастырылғандағы қышлоқ ахолисиниң иккінші: қышлоқ хұжалиғы билан банд бүлгап да банд бүлмаган ахолига ажратыны мүмкін. Тәхминий ҳисоб-китобларға карағанда, ер төзін фәвол ахолининг 3/5 қысметі қышлоқ хұжалиғы ва у билан бөлгелік тармоқларда банд. Аммо иктиесодий ривожланған мамлекеттерде қышлоқ хұжалиғы билан банд бүлгап ахолининг үлүші құп әмас: Бүгүн Британия ва АҚШда – 2,5%-3,5%, Испания ва Португалияда әсі – 12%-15%.

3.4. Ахолининг жинсий тарқиби

Ахоли жинсі бүйінча әрқак ва аәлларга бүлинади. Уларнинг иисбати әсі, жинсий тарқибни ташкыл этади. Ахолининг жинсий тарқиби демографик ва ижтимоий-иқтисодий омырттар тәсілдерінде ташкыл топады. Демографик омырттар туындағанда орасында үйелі ва қызы болатар иисбаты, әрқак ва аәллар ўртасидеги ژағдайтындағы фарқы, миграция ҳисебланади. Ижтимоий-иқтисодий омырттарға ишилдаб чыкарынған жойлашыши, аәлларнан жағында туындын үршін, үруншылар ва бошқа омырттар көрсетіледи. Амалдіт шүншик күрсатылғанда, туындаған ҳар 100 қызға 105-106 үйел бола түрін көлади, бу ҳолат әрқактарнинг умумий ахоли соңындағы үлүшінинг ортишына оліб келади. Аммо әрқактарда үлім күпроқ бүлгандылығы сабабынан, бу иисбат аста-екенин түрілгендей, іюкори әшле гүрухтарда аәллар салмоғы ортиб боради.

Худудлар бүйінча күчінші үриш күпроқ әрқактарға хос бүлиб, ахоли күпроқ кетадында жойлашылғанда аәллар салмоғы ортиб боради, ахоли күпроқ келадында жойлашылғанда ақсаның әрқактар салмоғы іюкори бүләді.

Жәмияттада аәлларнинг иқтисодий-ижтимоий қызметтері, айниқса ривожланған мамлекеттерде, аәлларнинг әркактарнан даражасында тәсілдер күрсатылғанда, аәлларнинг үмумахоли соңындағы үлүшінин шарты оліб келади. Ахолиппен жинсий тарқибнан миндет томоңдан таңсифталғанда статистика мұттақ да иисбілік күрсатылғаннан күтіледі. Мұттақ күрсатылғанда әрқак да аәллар соңы, аәллар соңынан әрқактар соңынан мұттақ ортишынан миссектелгенде бүләді.

Иисбілік күрсатылғанда 1000 аәлтага түрін көладында әрқактар үлүшін, аәл ахолиниң әрқак ахолига иисбатан ортишынан – бунда умумий ахолидеги аәллар салмоғы билан әрқактар салмоғы орасындағы фарқы олинади.

Ер юзида, умуман, эркак ва аёллар сони бир-бирига түгри келади. Ривожланган мамлакаттарда аёлларнинг салмоғи юқори, ривожланмаган мамлакаттарда эса, эркакларнинг салмоғи юқори бўлади. Бу ҳолда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни тарихий ва бошқа сабабларга боғлиқ. БМТ башоратларига қараганда, XXI аср бошларида эркак ва аёллар салмоғи тенглаша боради.

Аҳоли жинсий таркибини ўрганишда аёллар салмоғининг эркаклар салмоғига нисбатан нисбий ортиқчалигини аниқлаш мухим ҳисобланади; агар бу кўрсаткич 1 % гача бўлса – сезиларли бўлмаган, 1%–3% – ўрутча ва агар 3% дан юқори бўлса – сезиларни даражадаги фарқ мавжудлиги ҳақида гап боради.

Аҳолининг жинсий таркиби динамикасини тавсиғлаш учун, эркак ва аёлларнинг ўсиш суръати, ўсиш суръатини солишириш каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Аҳоли жинсий таркибини статистик ўрганиш меҳнат ресурслари балансини тузиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришини режалаштиришда амалий аҳамиятта эга.

3.5. Аҳолининг ёши бўйича таркиби

Аҳолининг ўсиш ўйналишлари юнидидан аниқлаш, унинг сонини башоратлаш ва келажакдаги таркибини аниқлаш, шунингдек, ҳалиқ иштезмоли молларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, болалар ва ўқув масканларини, соғлиқни сақлаш объектларини ривожлантириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини, армияга чақирилувчилар сонини аниқлаши ва ҳоказоларда аҳолининг ёши бўйича таркибини ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

Аҳолининг ёши бўйича таркиби унинг табиий, меҳаник ҳаракати ва үрушлар таъсири остида ташкил топади. Аҳолидаги алоҳида ёши таркиби түғилиши ва вафот этиш динамикаси белгилайди. Масалан, түғилишининг камайиши аҳоли таркибida болалар салмоғи насайишига олиб келади.

Асосан ёшлар яшаш жойини ўзгартириб туради, шунинг учун миграция келган жойларда аҳоли ёш таркибини ёшартиради, кетган жойларда эса ёш таркиби қарийди. Үрушлар ҳам аҳоли ёш таркибига сезиларли даражада таъсири кўрсатади.

Кўп мамлакатларда кишилар ёшини биздаги каби, йил ўтиши билан унинг ёши бир ёшга ортади. Бошқа тизимлар ҳам мавжуд. Масалан, Корсяда түғилиган бола бир ёш деб аталади. Хитой, Вьетнам, Швейцария ва бошқа қатор мамлакатларда календарь йил туташи билан түғилиган қунидан ташқари унинг ёши бир ёшга ортади.

Ёш жинсдан фарқли ўлароқ, ўзгарувчан миқдор бўлиб, у

домо ортиб боради. Аҳолининг ёш таркибини ўрганиш учун гурухлаш, мутлак, нисбий ва ўртача кўсатиқчлар, график ва бошқа усуслар кўлланилади.

Ёш таснифи инсон ҳастидаги айrim босқўчларни ифодалайди. Унинг энг қадимийларидан биря Ҳитойинки ҳисобланади:

- 20 ёшгача – ёшлик;
- 30 ёшгача – никоҳдан ўтиш ёши;
- 40 ёшгача – ижтимоий вазифаларни бошқариш ёши;
- 50 ёшгача – ақлга тўтиш ёши;
- 60 ёшгача ҳастидаги охирги яратиш даври;
- 70 ёшгача – сўралган ёш;
- 70 дан юқори – қариллик.

Ўзбекистонда қуйидаги тасниф кўлланилади:

- 0 – 2 ёш – болаликнинг бошланиши ёши;
- 3 – 6 ёш – болаликнинг мактабгача бўлган ёши;
- 7 – 15 ёш – болаликнинг меҳнат ёши;
- 16 – 24 ёш – ўспиринлик;
- 25 – 44 ёш – стилган ёш;
- 45 – 59 ёш – тўлиқ стилшиш;
- 60 – 69 ёш – улут ёш;
- 70 – 79 ёш – қарилликнинг аввали;
- 80 – 89 ёш – тўлиқ қариллик;
- 90 ва ундан юқори ёш – чуқур қариллик.

Ёшлар таснифларининг энг муҳим камчилиги, унда эркак ва аёллар ҳақида алоҳида поғоналарни эътиборга олмаслик ҳисобланади.

«Демография» фани нуқтаи назаридан Зундберг таснифи тарихий жиҳатдан муҳим ҳисобланади ва у аҳолини 3 хил ёш гурухига ажратади: 0 – 14 – болалар; 15 – 49 – ота-оналар; 50 ва ундан ортиқ ёш – буви ва бува ёшдагилар.

Зундбергнинг ёзишича, аҳолининг яшаш қонуниятларидан биря шундаки, унда ота-оналар улуши 50%га тенг бўлади, болалар ва буви-бувалар улуши ва ёш таркиби бўйича З гурухга ажратган.

1-жадвал

Аҳоли ёш таркиби турлари (Зундберг таснифи бўйича)

Ёш гурухлари, ёш	Ёш таркиби (%)		
	прогрессив	стационар	ретрессив
0 – 14	40	27	20
15 – 49	50	50	50
50 ва ундан юқори	10	23	30
Жамн:	100	100	100

Зундберг таснифининг мазмуни шундаки, аҳолининг прогрессив ёш таркибида болалар салмоғи, регрессивда – бувабилар салмоғи юқори, ота-оналар салмоғи эса ўзгармас.

Аналитик ҳисобларда бир йиллик, баш йиллик ва ўн йиллик ёш гурухлари кенг күлтаниллади. Бир йиллик ёш гурухларидан фойдаланилганда биљіб ёки билтмай ўз ёшини бузып күрсатышга интилиш сабаблы, ёш аккумуляциясы деган ҳолатта учраймиз. Уни 0 ва 5 билтан тутаїдиган ёшларга айланыпши (айрим нұфузлар омылы) ёки морал (хурмат қылыш) мақсадыда. Натижада 0 ва 5 да тутаїдиган ёш гурухлари бошқа ёшдагылтарни ҳам қамраб олади ва натижада аҳоли ёш таркиби бузилади.

Шу ҳолттарни миқдор томонидан тавсифлаш үчүн статистикада ёш аккумуляциясы деган күрсаткычдан фойдаланиллади:

$$K_s = \frac{25 \text{ дан } 60 \text{ гача бүлгап ёш оралы } f \text{ ида ёши } 0 \text{ ва } 5 \text{ тутаїдиган күннелар сони}}{25 \text{ ёшдан } 62 \text{ ёшгача бүлгаптаршын } 1/4 \text{ кисеми}}$$

Бунда, K_s – аккумуляция коэффициенті.

Қоңда бүйінча, аёлтарда ёшларнинг аккумуляциясы әркаптарга қараганда юқори, чуники улар күнненча ёшларини ноашик күрсатадылар. Аҳолининг ёш параметрлерини тавсифлаш үзүншілдірілген таҳлилтін амалға ошириш үчүн ўртача, мода ва медиана ёшлари ҳисобланади.

Үртача ёш аҳолини ёш гурухларига ажраттан ҳолда ўртача тоғылған арифметик асосда ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{\sum X \cdot S_x}{\sum S_x}$$

Бунда: \bar{X} - аҳолининг ўртача ёши; X - ёш.

Яшайдынларнинг ўртача ёшини ўртача яшаш даври билан алмаштириб юбормасдан ҳисоблаб топылади. Үртачадан ташқари, аҳолининг мода ва медиана ёшлари ҳам анықланади:

$$M_c = X_{mc} + i \cdot \frac{\frac{\sum f}{2} - S_{mc} - 1}{f_{mc}}; \quad M_0 = X_{m0} + i \frac{f_{m0} - f_{m-1}}{(f_{m0} - f_{m-1})(f_{m0} - f_{m+1})};$$

Медиана – ёши бүйінча тақсимлашда аҳолининг ўртача ёши, мода және әншынан күтілген учраїдиган ёш ҳисобланади. Иқтисодий ривожланған мамлакаттарда аёлтарнинг ўртача медиана ва мода ёшлари әрқастарникидан юқори, бу ҳолат аёлтарнинг умри узоқлуги, улар салмоғининг юқорылғы билтан тавсифланади.

Аҳолининг ижтимоиي ишлаб чықарылудаги ролини ҳисобға

олиб, унинг иш турларини ўрганишда демографик юклама кўрсаткічлари муҳим роль ўйнайди, чунки булар 15 дан 59 ёшгача бўлган ҳар 1000 та аҳолига қанча бола, қария, бола-қариялар (ишлаб чиқармайдиган элементлар) тўғри келишини ифодайди. Уларни тузишда барча аҳоли учта ёши гурухига ажрашади: 14 ёшгача (S_{0-14}), 15 ёшдан 59 ёшгача (S_{15-59}), 60 ва ундан ортиқ ёш (S_{60+}). Болалар ва қариялар бўйича юклама ва уларнинг коэффициентлари қўйидагича аниқланади:

$$\text{Болалар бўйича юклама} = S_{0-14} : S_{15-59} \times 1000$$

$$\text{Қариялар бўйича юклама} = S_{60+} : S_{15-59} \times 1000$$

Умумий юклама коэффициенти = $(S_{0-14} + S_{60+}) : S_{15-59} \times 1000$ Ривожланган мамлакатларда қариялар билан юклама сезиларли даражада, ёш ривожланган мамлакатларда эса – болалар билан юклама сезиларли. Зундберг таснифи бўйича ҳам демографик юкламани ҳисоблаша мумкин.

Аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркиби ҳақида яқъол тасаввурни аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркибини график усулида тасвирлаш беради. Уни тузиши устуби қўйидагича: горизантал ўқ бўйича аҳоли сони берилади – ўнг томонида аёллар, чапда эркаклар; вертикал ўқ бўйича ёш беш йиллик ёки ўн йиллик ёш гуруҳлари бўйича ҳисобланади.

Аҳолида тўғри бурчаклар майдони аҳолининг айрим ёш гуруҳлари бўйича сонига ёки уларнинг улишига мос келади. Масалан, 0 дан 4 ёшгача бўлган ўғил болалар сони «A» тўғри тўртбурчак 5 ёшдан 9 ёшгача бўлган қиз болалар сони «B» тўғри тўртбурчак майдонига мос келади.

Ёш ортган сари аҳоли сони аста-секин қисқариб боради ва графикаси пирамида шаклини ола бошлайди. Айрим катта ёш гуруҳлар сони ортиши билан, кичик ёш гуруҳдан катта бўлганда ҳеч қандай қарама-қаршилик бўлмайди. Бу туғилиш ва вафот этиш даражасидаги фарқлар билан боғлиқ.

Жинсий ёш пирамидалари оддий ва мураккаб бўлади. Мураккблари шу билан фарқ қиласдики, жинсий ёш таркибини кўрсатиш билан бирга, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, банд бўлган аҳоли сони ва бошқаларни кўрсатади. Пирамида чизигининг тавсифига қараб, аҳоли жинсий ёш таркибининг тури ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар пирамидалари пропорционал, ҳар хил учбурчакларини эслатса, ривожланасттан мамлакатларда эса, тор асосди ва юқори қисми нопропорционал бўлган фигурани эслатади.

Аҳолининг жинси ва ёши бўйича тақсимлаш асосида эркак-

ларнинг аёллар устидан муттақ ортиқчалигини ёки аясигча, аёллар ортиқчалигини аниқлаш мумкин. Одатда, юқори ёшли гурухларда аёллар, паст ёшли гурухларда эса, эрсактар сони күпроқ бўлади.

Аҳолининг қариши. Демографик қариши аҳолининг ёш тарқиби ўзгаришини ёки ёш тарқибida қарилтар салмоғи ортиши жаражини англашади. Бу ҳолит кўп омиллар таъсири остида рӯёбга чиқади: туғилиш ва вафот этиш динамикаси, аҳоли миграцияси, урушлар ва бошқалар. Уларнинг энг асосийси – туғилишининг ўзгариши. Унинг камайини ёшлар хиссасининг пасайишига ва қарилтар салмоғининг ортишига олиб келади. Туғилишининг ортиши қариши жаражинига сезилларни даражада қаришилик кўрсатади.

Вафот этиш динамикасининг қариш жаражинига таъсири қўлиш меҳаникми аинча мураккаб. Гўдак ва болалар вафот этишининг камайини қаришининг олдини олади, юқори ёшлагиларнинг вафот этиши эса, уни кучайтиради. Миграциянинг қаришига таъсирини иккι хал баҳолаш мумкин: ўрга ва ёш гурухдаги кишилар худудлар бўйича ҳаракатда бўлиб турадилар. Кўчиб кетсан жойларда ёшлар утушишининг пасайини натижасида туғилиш камайди ва демографик ҳолит смонтишади. Кўчиб кетсан жойларда аясигча ҳолит кузатилади – ёшлар утушишининг ортиши ва нисбатан, бети ҳолларда демографик ҳолатнинг яхшилтаниши кузатилади.

Аҳолининг қариш жаражинини урушлар жуда теззатиб юборади. Уларнинг таъсири ҳам муттақ, ҳам нисбий равишда кўринади. Муттақ кўриниш шундаки, ҳарбийларнинг кўп юриси ёшлар бўлиб, жанг маёдонарнида ўлиб кетадилар, натижада қаристар утуши ортиб кетади. Нисбий кўриниш шундаки, ёш эрсактарнинг ўлиб кетиши қатордан потенциал оталарни ўчириб юборади, туғилишининг ўзи эса уруш йилларидан жуда камайиб кетади.

Аҳоли қаришини ўрганишда статистиканинг асосий вазифалари күшидагилардан иборат:

- қариш дарражасининг ривожланниш таснифи;
- қариш динамикасини ўрганиш;
- қаришига таъсири этувчи омилларни баҳолаш;
- қаришининг ижтимоий-иқтиисодий оқибатларини ўрганиш.

Қарипи дарражасини мисдорий баҳолашда, унинг бошланниш моментини аниқлаш мухом аҳамият қасб этади. Мальум бўлган кўп таснифларда қаришининг бошланниши деб, ҳар хил ёш чистаралари қабул қўтилган. Уларни мальум муддатига (ундай ҳисобининг доимий омилларини тактиф этган, Пифогор, Рубнер, Флурис ва бошқалар) ва интэрваллари бўйича (уларни Ашоф, Боехск, Гиплократ, XIX асрда француз физиологлари ва бошқалар) ажратилади.

Муддатига шисбатан баҳолаш қариш бошланнишини мальум ёш билан боғлаїди, масатан, инсон умриининг 60 ёши. Интэрвал

бахолаш қарышнинг бошланнишини билтта ёш билган боғламай, бир қатор ёшлар интэрвали билган боғлайды, масалан, 60дан 70 ёнгача.

«Герантология» (тирик идораизмларнинг қарыши тұрғысдағы фан) нүктәи назаридан, интэрвал ёшларини күттәш яхши, тунки айрым одамларда қарыш жарабәни хар хил: хар хил вактда, хар хил тезлик ва аста-секинлик билган көчади. Статистика нүктәи назардан қарыш мәғлүм анық ёнддан бошланади. Олымдар хар хил вариантыларни тактиф эттәндер.

Күпинча қарышнинг бошланниши деб одамнинг (60-65) ёши олнади. Шуннинг учун умумий аҳоли сонда 60 ва ундан ошган аҳолининг утуси олнади:

$$K_K = \frac{S_{\text{а.}}}{S} \cdot 100\%;$$

Бу ерда: K_K - қарыш коэффициенті;

$S_{\text{а.}}$ - 60 ва ундан ошган аҳоли сони;

S - аҳолининг умумий сони.

Коэффициенттің құсметшілігінде, қарыш даражасында бир күрсаткыч орнатылғанда мүмкіншіліктердің үрганыш ыңайматы шу күрсаткычны амалтестеуде көнг күттәш имбансын яратади.

3.6. Ёш аккумуляцияның текисіләш, салынғыш

Рұысат ўтказылғандан сүнг, аҳолини ёш тарқиби бүйірта тақситлаш ҳақиқиці амалдегі ёш тарқибидан фарқ қылады. Охирги рәқами 0 ва 5 ённадиган сопадистар шу ёнга ядін сопадистардан күпроқ болады. Қатор Шарқ мамытасстарыда ёш фарқат 0 ва 5 рәқами белзан тугайдын сонтарда эмес, балық бөшің рәқамдар билан тугайдын сонтарда ҳам потүрін аүтіп жоборылады.

Ёш болытарда (бір ёнгача) ёшни бутун бір ёнга умумзаптириб жоборылады. Ёшни күттәшіп отырач, ўрта сәндағы аёштар – ёшни қалыптириб күрсатадылар. Ёшнинг аккумуляция күчи аккумуляция коэффициенттерінде үтканади:

$$K_a = \frac{S_{25} + S_{30} + S_{35} + S_{40} + S_{45} + S_{50} + S_{55} + S_{60}}{\frac{1}{5}(S_{23} + S_{24} + S_{25} + \dots + S_{62})}$$

Бу ерда: S_i – хар хил ённады аҳоли сони.

Ёш тарқибини бүндай бузып күрсатыши, уни спасындаш жозындағыдан да толат беради.

Ёш тақсимотини тузатыш мөхиятты шундаки, унда аккумуляциядан озод бўлган текис ўзгарувчи сонлар олнади. Салын-

лиқлашнинг энг оддий усули, график усулда силлиқлаш ва сирпанувчи ўргачани аниқлаш ҳисобланади. Бунда силлиқлаш 5 йиллик ёш 10 йиллик интервал билан амалга оширилади.

$$\sum S_k - \sum S_x = 0$$

Бу ерда: S_k – шу ёшдагилар сони;

S_x – шу ёшдагиларни аккумуляциядан тузатилган сони.

Янада сокинлик билан сузувчи қийшиқ тақсимлаш, бинобарин, аҳолининг ёш таркиби бўйича ҳақиқий даражасини ифодаловчи усул бўлиб проф. Б.С. Ястремский томонидан тактиф этилган сирпанувчи парабола усули ҳисобланади.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, ҳар бир 5 ёшли интервалга куйидаги формула асосида 3 тартибли парабола аниқланади.

$$Y_0 = -0,0177S_0 + 0,1044S_1 + 0,1210S_2 + 0,0220S_3 - 0,0033S_4$$

$$Y_1 = -0,0175S_0^2 + 0,0780S_1^2 + 0,1270S_2^2 + 0,0220S_3^2 - 0,0095S_4^2$$

$$Y_2 = -0,0145S_0^3 + 0,0500S_1^3 + 0,1290S_2^3 + 0,0500S_3^3 - 0,0145S_4^3$$

$$Y_3 = -0,0095S_0^4 + 0,0220S_1^4 + 0,1270S_2^4 + 0,0780S_3^4 - 0,0175S_4^4$$

$$Y_4 = 0,0033S_0^5 - 0,0044S_1^5 + 0,1210S_2^5 + 0,01044S_3^5 - 0,0177S_4^5$$

Бу ерда: ΣY_i – кетма-кет беш йиллик интерваллар йиғиндиси улардан i га нисбатан S_i сонини йиллар бўйича силлиқланади.

Беш йиллик аҳоли сонини ёш интервалларига мослаб бир йиллик ёш билан беш ёшлик интервал бўйича текисланган, масалан, 30-34 ёш қаторига эга бўламиз.

2-жадвал

Беш йиллик интервалларда аҳоли сонини силлиқлаш

Ёш интерваллар	Бундан кейинги беш йиллик интервал билан олинган аҳоли сони	Силлиқлаш ёни	Силлиқлаш сони
20-24		30	S_2
25-29		31	S_1
30-34		32	S_0
35-39		33	S_1
		34	S_2

Ҳар қандай машинада ҳам ишни бажариш ва соддалаштириш учун тартиб билан ёзилган коэффициентлар бўлиши керак, уларга беш ёшлик интерваллар сони кўпайтирилади:

3-жадвал

Бир йиллик ёш интервалида аҳолини сонини аниқлаш коэффициентлари

-0,0177	-0,0175	-0,0145	-0,0095	-0,0033
+0,1044	+0,0780	+0,0500	+0,0220	-0,0044
+0,1210	+0,1270	+0,1290	+0,1270	+0,1210
-0,0044	+0,0220	+0,0500	+0,0780	+0,1044
-0,0033	-0,0095	-0,0145	-0,0175	-0,0177

Шунда, 1 устун рақамлари 5 йиллик интервал билан ёзилган сонларга күпайтириб, S_n ни оламиз.

Статистика амалийтада аҳоли ёшлари таркибини силлиқлаш биноминал коэффициентлари билан амалга оширилади. Умуман, биноминал тақсимот коэффициентлари күйидаги күринишга эга:

1, 10, 45, 120, 210, 252, 210, 120, 45, 10, 10, 1.

Бу усулда қандайдыр ёшда силлиқланган аҳоли сонини олиш учун шу ёшдаги аҳоли сони билан биргә ундан олдинги 5 ёшдаги ва ундан кейинги ёшдаги аҳоли сонини олиш лозим. Силлиқланаттган ёшдаги аҳоли сонини 252 га күпайтириллади, ундан якынроқ ёшдаги (ундан олдинги ва кейинги ёшдаги) 210га күпайтириллади, ундан кейин 120га, ундан сүнг 4га, 10га ва ниҳоят, энг чеддаги ёшдагилар сони вариацияси 1 деб олинади, тортилган сондар йиғиндиси биноминал коэффициентлар бүйича вазилар йиғиндисига бўлинади (шу ҳолатда 1024).

Аҳолининг ёши бўйича олинган силлиқланган маълумотларининг энг яхшиси график усулда тақдим этиш керак (ёш пирамидаси тифаптса).

3.7. Аҳоли статистикаси маълумотларини ўзаро текшириш

Ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари жорий ҳисоб маълумотлари билан мос келмайди. Аҳоли рўйхати маълумотлари ишончлироқ деб ҳисобланади. Баъзи ҳолларда жорий ҳисоб маълумотлари ишончлироқ бўлиши мумкин.

Аҳоли статистикаси маълумотларини ўзаро текширишининг энг оддий усули қўйидаги усуллар: аҳоли рўйхати маълумотлари билан жорип ҳисоб маълумотлари солиштириллади, иккинчи усул — мантиқий назорат, учинчиси — туман назоратчилари ўтказган маҳсус тадқиқотлардан фойдаланиш (ФХДЁ маълумотлари поликлиника, тургукхоналар ва ҳ.к.) маълумотлар билан солиштириллади.

Бундай тадқиқотларнинг вазифаси, рўйхат тўлиқ ўтказилганини аниқлаш, туғилиш ва ўлишнинг, ҳисобга олишнинг тўлиқтигини аниқлаш, тузатиш киритиш коэффициентларини аниқлаш ва ҳоказолардан иборат.

1959 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари, аҳолининг жорий ҳисоби маълумотлари билан солиштирилган (болалар ёшига нисбатан). Шу мақсадларда 20 % танлама кузатиш ўтказилган.

Қысқача ҳуосалар

Ушбу мавзуни ўрганиш талабаларга ахоли сони ва таркиби бўйича мутлақ ва илсий кўсаткичларни аниқлаш усуслари ни ўрганиш имкониятгини яратади. Унда асосий аҳолининг ёш таркибига, йиғлик таркибига, саводлилик даражасига, яшаш манబалари ва бошқа белгиларга алоҳида эътибор қаретилган. Адош таркибини ўрганишнинг масус усусларига муҳим аҳамият берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг мутлоқ ва ўргача сони қандай аниқланади?
2. Ёш аккумуляцияси ҳақидага тушунча ва уни тузатиш усуслари.
3. Аҳолини иктиносидий туман ва вилоятлар бўйича жойлашишни ўрганиш. Аҳоли зичтитги.
4. Аҳоли сони динамикасини ўрганиш.
5. Аҳоли таркиби ва унинг жойлаштиришдаги ўзгариш конуниятлари.

Асосий адабиётлар

1. Алиакберова Н.М. Размещение населения Ферганской долины (Демографический аспект). – Т., 1996.
2. Бўрисва М.Р. Ўзбекистонда онта демографияси. - Т., 1997.
3. Колесникова М.И. Социально-экономическая статистика. - М.: Новое знание, 2002.
4. Комитова Ф.К. Демографический потенциал Узбекистана. - Т., 1997.
5. Кильдишев Г.С. и др. Статистика населения с основами демографии. – М.: Финансы и статистика. 1997.
6. Степаненко С.Г. Задачник по статистике населения. - М., 1995.

IV боб

АҲОЛИНИНГ ТАБИЙ ҲАРАКАТИ СТАТИСТИКАСИ

4.1. Аҳоли табиий ҳаракатининг умумий кўрсаткичлари

Туғилган ва вафот этгандар, никоҳдан ўтган ва ўлгандарнинг мутлақ сони аҳоли табиий ҳаракатининг интенсивлигини ифодалаб беролмайди. Аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, туғилгандар сони ҳам, вафот этгандар сони ҳам шунча кўп бўлади. Аҳолининг табиий ҳаракати интенсивлиги ҳақида фикрлаш учун мутлақ миқдорлардан нисбий миқдорларга ўтиш керак. Бунинг учун туғилган ва вафот этгандар сонини аҳолининг ўртача сонига бўлиш керак.

Туғилиш, вафот этиш, никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш коэффициентлари қўйидагича аниқланади:

$$1) \text{ Туғилиш } K^T = \frac{N}{S} \cdot 1000.$$

$$2) \text{ Вафот этиш } K^B = \frac{M}{S} \cdot 1000.$$

3) K^T - табиий ўсиш, K^B - туғилиш, K^B - вафот этиш.

$$4) \text{ Никоҳдан ўтиш } K^H = \frac{H}{S}.$$

$$5) \text{ Никоҳдан ўчиш } K^P = \frac{P}{S}.$$

Аҳолининг ҳаётийлик коэффициенти туғилиш, вафот этишига нисбатан неча марта юқори ёки камлигини ифодалайди.

$$6) \text{ ҳаётийлик} = \frac{N}{M}.$$

Ҳар хил вақт оралиғида, туғилган ва вафот этгандар сони бир хил бўлмайди, вақт оралиғи қанчалик катта бўлса, уларнинг сони ҳам шунчалик катта бўлади. Бу кўрсаткичларни соилиштириш мумкин бўлган ҳолга келтириш учун уларни қандайдир бир йилга келтирилади. У ҳолда туғилиш коэффициенти туғилгандар сони ўртача аҳоли сонига бўлинади ва вақт оралиғига кўпайтирилади.

$$\text{Туғилиш } K_T = \frac{\sum N}{S \cdot T}$$

Бунда: Т - давр үзүнлиги йилларда.

Ахолининг табиии ҳаракати коэффициентлари, одатда, 1000 кишига нисбатан аниқланади ва натижага промидледа (%) ифодаланади.

4.2. Ахоли табиии ҳаракатининг маҳсус коэффициентлари ва уларининг умумий коэффициентлар билан ўзаро боғлиқлиги

Ахоли статистикасида ахоли табиии ҳаракатини ифодаловчи маҳсус коэффициентлар ҳам мухим аҳамиятта эга.

Ахолининг табиии ҳаракатини синqlар ва ижтимоий гурӯҳлар доирасида ўрганиш лозим. Ахолининг табиии ҳаракати коэффициентлари, ҳар хил синqlар ва ижтимоий гурӯҳлар бўйича лозим кўрсаткичларининг ўртача натижасини ифодалайди.

Маҳсус коэффициентларга ахолининг маълум жинси ва ёши бўйича аниқланган коэффициентлар киради. Маҳсус коэффициентларни ҳисоблаш усули умумий коэффициентларни ҳисоблаш усулидан фарқ қилимайди. Уларининг фарқи шундаки, унда ахоли маълум гурӯҳида юз берган фарқлар ўша гурӯҳ ахолининг ўртача сонига бўлинади.

Масалан, қишлоқ ахолининг вафот этиши коэффициенти:

$$Vafoot\ etshi\ K^t = \frac{\text{кишлоқ жойларда вафот этганилар сони}}{\text{кишлоқ жойлардаги ахолининг ўртача сони}}.$$

Вафот этишининг умумий коэффициентини, айрим олиниган маҳсус коэффициентлар асосида ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$m_{umumiy}^t = \sum m_x \cdot d;$$

Бўйерда: m_{umumiy}^t – умумий вафот этиши коэффициенти;

m_x – маҳсус вафот этиши коэффициенти (масалан, маълум ёшдан X, маълум ёшгacha X+1 йил);

d – умумий ахоли сонида X дан X+1 ёшгacha бўйлан ахоли улуши.

Ахолининг табиат ҳаракатини ўрганишда туғилишининг маҳсус коэффициентини ўрганиш катта аҳамиятта эга. Уни аниқлаш учун туғилган болалар сонини 15 дан 49 ёшгacha бўйлан аёлларининг ўртача йиллик сонига бўлинади:

$$K_{maxsus}^t = \frac{N}{S_{15-49 \text{ ёш аёллар}}} ;$$

Маҳсус туғилиши K^t билан умумий туғилиши K^t орасида яқин аюка мавжуд. Агар маҳсус туғилиши коэффициентини ва 15-49 ёш орасидаги аёллар сонининг умумий ахоли сонида улуси маъдум бўлса, умумий туғилиши K^t иш аниқлаш мумкин ва аксиомича:

$$n = \frac{N}{\bar{S}_{15-49\text{ж}} \cdot \bar{S}} = K_{\max_{my}}^T \cdot ds;$$

Бу ерда: d_s - 15-49 ёш аёлларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши.

Никоҳдан ўтишининг махсус коэффициенти ҳам аҳолини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Махсус никоҳдан ўтиш коэффициентини аниқлаш учун никоҳдан ўтганлар сони 15 ёшдан юқори бўлган, никоҳда бўлмаган аёллар сонига бўлинади.

